

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ГРИГОРЯН АРЕВАТ ЭДУАРДОВНА

**АХБОРОТ КУРСАТУВЛАРИДА БОШЛОВЧИЛИК
МАХОРАТИ**

5A320401 – халқаро журналистика

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

**Илмий раҳбар:
филология фанлари доктори
Хуршид Дўстмухамедов**

Тошкент – 2012

Ҳимояга рухсат этилди:

Факультет декани	_____	А.Нурматов
Кафедра мудири	_____	Х.Дўстмухамедов
Илмий раҳбар	_____	Х.Дўстмухамедов
Расмий тақризчи	_____	С.Алижонов

Магистрлик диссертацияси

Мавзу: “Ахборот курсатувларида бошловчилик маҳорати”

ДАК қарори: халқаро журналистика факультети магистранти

Григорян Ареват Эдуардовна

Магистрлик диссертацияси “_____” га баҳолансин

“_____” _____ 2012 йил

ДАК раиси:

Абдусамат Раҳимов

ДАК котиби:

Ёқутхон Эркабоева

**ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети иккинчи босқич
магистранти Ареват Григоряннинг “Ахборот кўрсатувларида
бошловчилик маҳорати” мавзuida ёзилган магистрлик диссертациясига
ТАҚРИЗ**

ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети иккинчи босқич талабаси А.Григоряннинг магистрлик диссертациясига танланган мавзу ҳар томонлама очиб берилган, унда билдирилган фикр мулоҳазалар назарий ва амалий жиҳатдан асосланган. Бу эса битирувчи курс талабасининг назарий ва амалий билимларини пухта ўзлаштирганлигини кўрсатиб турибди. Диссертация кириш, тўрт бобдан иборат асосий қисм, хулоса ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат.

Илмий ишнинг асосий қисмида телебошловчи тушунчасининг ўтмиш ва бугунги кундаги моҳияти очиб берилди, бошловчи ва суҳандон (диктор) ўртасидаги фарқ кўрсатилди, замонавий телемахсулот тайёрлашда телебошловчининг ўрни, унинг профессионал сифатларига таъриф берилди, ахборот дастурларида телебошловчига қўйиладиган талаблар ҳамда касб маҳоратини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг муҳим омиллари санаб ўтилди. Шунингдек “малака”, “маҳорат”, “имиж”, “телебошловчи харизмаси”, “шахсий жозиба” каби тушунчалар таърифланди, телебошловчиларнинг ихтисослашуви таснифланиб, информацион, кўнгилочар, тахлилий, публицистик, шоу кўрсатувлардаги бошловчиларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилинди. Шунингдек илмий ишда ахборот кўрсатувлари телебошловчилари маҳоратини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг муҳим омиллари сифатида хотира устида ишлаш, ақлий ва психологик жараёнларни такомиллаштириш хусусида тўхталиб ўтилди. Телеаудитория томонидан бошловчи етказаётган ахборотни қабул қилишнинг эмоционал томонидан моҳирона фойдаланиш усуллари айтиб ўтилди, аудитория эътиборини жалб қилиш ва бошқаришнинг самарали йўллари кўрсатилди. Бугунги кунда “телебошловчи” тушунчасига муносабат

аввалги даврларга нисбатан мутлақо ўзгарганлиги кўрсатилиб, бунинг сабаблари очиб берилди. Ахборот кўрсатуви бошловчисининг профессионал даражасини оширишда унинг бир қатор қобилиятларини ривожлантириш лозимлигига урғу берилган.

Магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида, илмий иш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, телебошловчиларнинг шартли равишда тоифаларга бўлинган. Шунингдек, галдаги вазифалар айтиб ўтилиб, соҳани такомиллаштириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берилган.

Магистрлик диссертация иши унга қўйиладиган барча талабларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама пухта ёзилган. Унда танланган мавзу талаб даражасида очиб берилган. Ушбу иш орқали А.Григорян университетда халқаро журналистика йўналиши бўйича олган назарий ва амалий билимларини кўрсата билган ва уларни амалиётда қўллай олишини намоён этган.

Илмий раҳбар

ф.ф.д. Х.Дўстмуҳамедов

ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети иккинчи босқич
магистранти Ареват Григоряннинг “Ахборот кўрсатувларида
бошловчилик маҳорати” мавзuida ёзилган магистрлик диссертациясига
тақриз

ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети иккинчи босқич талабаси А.Григоряннинг магистрлик диссертация иши назарий ва амалий билимларни пухта ўзлаштирганини кўрсатиб турибди. Диссертация кириш, тўрт бобдан иборат асосий қисм, хулоса ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 70 varaқ. Адабиётлар рўйхати 21та номдан иборат, улардан 20 таси рус тилида.

Илмий ишнинг асосий қисми бобларида телебошловчи тушунчасининг ўтмиш ва бугунги кундаги моҳияти очиб берилиб, замонавий телемахсулот тайёрлашда телебошловчининг ўрни, унинг профессионал сифатларига таъриф берилган, телебошловчига қўйиладиган талаблар ҳамда касб маҳоратини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг муҳим омиллари санаб ўтилган. Шунингдек “малака”, “маҳорат”, “имиж”, “телебошловчи харизмаси”, “шахсий жозиба” каби тушунчаларига таъриф берилган, телебошловчиларнинг ихтисослашуви таснифланиб, информация, кўнгилочар, тахлилий, публицистик, шоу кўрсатувлардаги бошловчиларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек илмий ишда телебошловчи маҳоратини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг муҳим омиллари сифатида хотира машклари, ақлий ва психологик жараёнларни такомиллаштириш хусусида тўхталиб ўтилган. Бошловчи томонидан телеаудиторияга ахборотни етказишда эмоционал усуллардан моҳирона фойдаланиш воситалари таҳлил қилиниб, аудитория эътиборини жалб қилиш ва бошқаришнинг самарали йўллари кўрсатилган.

Тадқиқотдан олинган натижаларни телебошловчиларни танлаш, уларни ўқитиш, кундалик фаолиятига ўзгартириш киритиш, шунингдек, телекурсувлар қаҳрамонларини тақдим этиш (акс эттириш) усуллари ишлаб чиқишда қўллаш мумкин. Тадқиқот натижасида қўлга киритилган малакали телебошловчининг тавсифларини оммавий ижодий касб эгалари: суҳандонлар, муҳаррирлар, шарҳловчилар, репортерлар, интервью оловчилар ва бошқаларни тайёрлашда ишлатилиши ҳам мумкин. Шу тариқа, мазкур тадқиқот натижалари телевизион бошловчиларнинг ижодий салоҳияти ҳамда касб маҳоратини ошириш ва улардан турли дастурларда самарали фойдаланиш учун замин ҳозирлайди.

Магистрлик диплом ишининг хулоса қисмида, илмий иш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, телебошловчилар шартли равишда тоифаларга бўлинган. Шунингдек, галдаги вазифалар айтиб ўтилиб, соҳани такомиллаштириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берилган.

Магистрлик диссертацияси бу каби илмий ишларга қўйиладиган барча талабларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама пухта ёзилган. Унда танланган мавзу талаб даражасида очиб берилган. Ушбу иш орқали А.Григорян университетда халқаро журналистика йўналиши бўйича олган назарий ва амалий билимларини курсата билган, ушбу билим ва кўникмаларини амалиётда қўллай олишини намоён этган.

«Yoshlar» teleradiokanali»

«Давр» ахборот дастурлари

бош муҳарририяти

бош муҳаррири

С.Алижонов

Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети
халқаро журналистика факультети
аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедрасининг
11-сонли мажлиси баённомасидан

КЎЧИРМА

2012 йил 7 июнь

ҚАТНАШДИЛАР: кафедра аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

1. 2-босқич магистрантларининг магистрлик диссертациясини ҳимояга тавсия этиш.

ЭШИТИЛДИ: Ўзбек гуруҳи магистранти Григорян Ареват Эдуардовнанинг “Ахборот кўрсатувларида бошловчилик маҳорати” мавзусидаги магистрлик диссертацияси муҳокамаси.

Кафедра мажлиси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

2-босқич магистранти Григорян Ареват Эдуардовна филология фанлари доктори Хуршид Дўстмухамедов раҳбарлигида ва «Yoshlar» teleradiokanali» «Давр» ахборот дастурлари бош муҳарририяти бош муҳаррири С.Алижонов тақризи остидаги “Ахборот кўрсатувларида бошловчилик маҳорати” мавзуидаги магистрлик диссертацияси Давлат аттестация комиссияси мажлисида ҳимоя қилишга тавсия этилсин.

Кафедра мудири

Котиба

Х.Дўстмухамедов

З.Ортиқова

Кириш

1- боб. Тележурналистика соҳасида бошловчи-журналистларга нисбатан қўйиладиган талаблар

1.1. Тележурналистикада “профессионал маҳорат” тушунчаси

1.2. Бошловчи ва суҳандон (диктор), улар ўртасидаги фарқ

2- боб. Ахборот кўрсатувларидаги бошловчиликнинг ўзига хос жиҳатлари

1.1. Бошловчи маҳоратини белгиловчи омиллар

1.2. Турли жанр ва йўналишдаги кўрсатувлар бошловчиларига қўйиладиган талаблар, уларнинг фарқи

1.3. Ахборот кўрсатувларининг замонавий бошловчилари маҳорати (МТРК ахборот дастурлари мисолида)

Хулоса

КИРИШ

Оммавий ахборот воситалари инсоннинг ҳаёти давомида унга ҳамроҳ бўладилар, кишилар онгига ҳар томонлама кучли таъсир кўрсатадилар. Шу боисдан инсон шахсининг шаклланиши кўп жиҳатдан ОАВ қандай ғояларни қай йўсинда тарқатишларига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида эркин оммавий ахборот воситаларининг изчил ривож топиши учун барча шарт-шароитлар яратилдики, бунинг самарасида улар том маънода озод ва мустақил ОАВга айланди. Шу маънода Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асаридаги қуйидаги фикрлар алоҳида аҳамият касб этади: “... ҳозирги пайтда ҳаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радиосиз умуман тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий эстетик озиқ берадиган ва ҳордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда, десак, хато бўлмайди.

Шу сабабли ўткир таъсир кучига эга бўлган телевидение ва радио соҳасини изчил тараққий эттириш жамиятнинг доимий эътибор марказида бўлиши табиий.”¹

Мавзунинг долзарблиги. Замонавий жамиятда оммавий ахборот воситалари энг муҳим ижтимоий институтлар қаторидан жой олганлиги сир эмас. Улар орасида айниқса телевидение қудратли оммавий коммуникация воситаси саналади. Ўзига хос хусусиятларга эга бўлган телевизион узатувлар жараёнида икки томон, яъни телебошловчи ва томошабин ўзаро таъсирга киришади. Ушбу ўзаро таъсир турли фанлар (социология, психология, журналистика ва бошқалар) томонидан ўрганилади. Одатда, тадқиқотчилар томонидан телевидениенинг ўзи эфирга узатилаётган ахборот муаллиф-бошловчи томонидан персонификацияланган (ўзлаштирилган, шахсийлаштирилган) ягона аудиовизуал оммавий ахборот воситаси сифатида

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Маънавият. 2008. б. 134

кўриб чиқилади². Шу боис бошловчи ёки кўрсатув қаҳрамонининг шахси, унинг касб маҳорати улкан аҳамият касб этади. Бу айниқса ахборот дастурларига тегишли, чунки айнан информацион дастурларнинг бошловчилари, таниқли шахслар сифатида кенг томошабинлар аудиториясига кучли таъсир ўтказадилар. Демак, телебошловчиларнинг томошабинлар аудиториясига таъсири механизмларини, уларнинг маҳоратига доир ижтимоий-психологик хусусиятларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва англаш муҳим аҳамият касб этади.

Телебошловчи маҳорати, кишининг шахсиятига доир тавсиф бўлиб, унинг бошқа шахсга коммуникатив таъсирини кучайтиришга хизмат қилади. Шу боис бошловчилик маҳоратининг моҳиятини тушуниш, унинг қандай шаклланиши ва такомиллашишини тадқиқ қилиш муҳим. Ушбу масала тадқиқоти журналистика фани назарияси ва амалиёти учун катта аҳамият касб этади, чунки телебошловчи катта томошабинлар аудиториясига чиндан ҳам кучли таъсир кўрсатади, омма фикрини шакллантиришда қатнашади.

Телевидениенинг ижтимоий институт сифатидаги муҳим роли ҳамда телебошловчиларнинг аудиторияга таъсир кучининг тан олинисига қарамай, бошловчилик маҳоратига доир феноменнинг ўзи ҳозирча чуқур ва кўламдор тадқиқотларнинг мавзусига айланмаган. Бундан ташқари, бошловчилик маҳоратининг ижтимоий-психологик табиатига доир тадқиқотга эҳтиёж яна шу билан белгиланадики, мазкур маҳорат телевидениедан ташқари яна бошқа профессионал соҳаларда (радиожурналистика, социология, менежмент, реклама, санъат, пи-ар, шоу дастурлар ва ҳоказо), кундалик мулоқот жараёнларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Ваҳоланки, маҳоратли телебошловчининг тавсифлари, унинг профессионал ва шахс сифатидаги фазилатлари илмий жиҳатдан тўлалигича тадқиқ қилиниб, кўриб чиқилмаган. Шу тариқа, тадқиқотимиз мавзусининг долзарблиги телебошловчилар, айниқса ахборот дастурлари бошловчиларининг телетомошабинларга

² Беляева Т.Б., Бойко В.В. 1976; Караванова Е.Е., Матвеева Л.В. 2001; Мочалова Ю.В. 2000; ва бошқалар

таъсири жуда аҳамиятли эканлиги, мана шу таъсир механизмларини очиб бериш билан боғлиқ журналистика назарияси ва амалиёти эҳтиёжлари билан белгиланади.

Мавзунинг долзарблиги, телебошловчи маҳоратига доир ўзига хос жиҳатлар борасида ҳал қилинмаган назарий ва амалий масалаларнинг мавжудлиги тадқиқот предмети ва объекти танлови ҳамда унинг мақсадини асослаб берди.

Тадқиқот предмети – телевидениедаги бошловчилик маҳорати (“Ёшлар” телеканали бошловчилари мисолида).

Тадқиқот объекти – турли жанр ва йўналишлардаги кўрсатувлар бошловчиларининг касб фаолияти.

Ишнинг мақсади – телевидениеда бошловчилик маҳоратининг ўзига хос қирралари, моҳияти ва аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Ишнинг методологик асосини Давлатимиз Раҳбари Ислам Каримовнинг демократия тамойилларига асосланган журналистикамизнинг ривожланиш концепцияси очиб берилган асарлари, журналистика назарияси ва амалиётига доир қоидалар ва тадқиқотлар, оммавий коммуникация (мулоқот) психологияси қоидалари, шунингдек новербал коммуникация назарияси қоидалари ташкил этди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотдан олинган натижаларни ахборот дастурлари учун телебошловчиларни танлаш, уларнинг малакасини ошириш, кундалик фаолиятларида юқори ижодий ютуқларга эришиш, шунингдек телекўрсатувлар қаҳрамонларини тақдим этиш (акс эттириш) усулларини ишлаб чиқишда қўллаш мумкин. Тадқиқот натижасида қўлга киритилган малакали телебошловчининг тавсифлари оммавий ижодий касб эгалари: суҳандонлар, муҳаррирлар, шарҳловчилар, репортерлар, интервью олувчилар ва бошқаларни тайёрлашда ишлатилиши ҳам мумкин. Шу тариқа, мазкур тадқиқот натижалари телевизион бошловчиларнинг ижодий салоҳияти ҳамда касб маҳоратини ошириш ва улардан турли дастурларда самарали фойдаланиш учун замин ҳозирлайди.

Ишнинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт бобдан иборат асосий қисм, хулоса ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 74 varaқ.

Илмий ишнинг асосий қисми бобларида телебошловчи тушунчасининг ўтмиш ва бугунги кундаги моҳияти очиб берилди, бошловчи ва суҳандон (диктор) ўртасидаги фарқ кўрсатилди, замонавий телемахсулот тайёрлашда телебошловчининг ўрни, унинг профессионал сифатларига таъриф берилди, ахборот дастурларида телебошловчига қўйиладиган талаблар ҳамда касб маҳоратини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг муҳим омиллари санаб ўтилди. Шунингдек “малака”, “маҳорат”, “имиж”, “телебошловчи харизмаси”, “шахсий жозиба” каби тушунчалар таърифланди, телебошловчиларнинг ихтисослашуви таснифланиб, информацион, кўнгилочар, тахлилий, публицистик, шоу кўрсатувлардаги бошловчиларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилинди. Шунингдек илмий ишда ахборот кўрсатувлари телебошловчилари маҳоратини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг муҳим омиллари сифатида хотира устида ишлаш, ақлий ва психологик жараёнларни такомиллаштириш хусусида тўхталиб ўтилди. Телеаудитория томонидан бошловчи етказаётган ахборотни қабул қилишнинг эмоционал томонидан моҳирона фойдаланиш усуллари айтиб ўтилди, аудитория эътиборини жалб қилиш ва бошқаришнинг самарали йўллари кўрсатилди.

I боб.

Тележурналистика соҳасида бошловчи-журналистларга нисбатан қўйиладиган талаблар

1.1. Тележурналистикада “профессионал маҳорат” тушунчаси

Замонавий жамиятни телевидениесиз тасаввур қилиш қийин. Ижтимоий ҳаётни акс эттириш ва ривожлантиришга оид феномен сифатида у инсон дунёқарашининг юксалиши, маънавий ва ахлоқий ўсишига хизмат қилиши лозим. Ушбу вазифани телевидение аввало умумий маданият ва нутқ маданиятини энг юқори даражада ўзлаштирган профессионал кадрлар орқали ҳал қилиши мумкин. Шу боис телевидениеда бошловчи сифатида фаолият кўрсатувчи журналистларга шунчалик юқори талаблар қўйилмоқда, зеро у кўп миллионли аудиторияга мурожаат қилади. Эфирда ишлайдиган тележурналистларни тайёрлашда айниқса коммуникатив малака масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Телебошловчи касби, ўзи, маҳорати устида, доимий профессионал такомиллашув устида тинимсиз ва кўп ишлашни тақазо этади.

Жаҳон миқёсида оммавий ахборот воситаларининг реал таъсири ошаётгани боис, эфирда ишлайдиган журналистларга нисбатан талаблар янада ортиб борапти. Бундай талабларга эса ушбу касб эгаларининг ҳаммаси ҳам тўла жавоб беради дея олмаймиз. Ларри Кинг, Барбара Волтерс, Опра Уинфри, Фил Донахью каби дунёга машҳур телебошловчилар, жонли эфирнинг бошқа тан олинган усталарининг фаолиятини ватанимиз телебошловчилари иши билан таққосласак, бизнинг бошловчиларимизга юқоридаги телеюлдузлар каби юксак маҳорат соҳиблари бўлишга нима ҳалал беради – касбга тайёрлаш тизимими, ёки танлаш тизимими – айтиш қийин. Қандай бўлганда ҳам, буларнинг иккиси ҳам такомиллашувга муҳтож эканлиги шубҳасиз.

Телебошловчиларнинг профессионал самардорлиги кўп жиҳатдан уларнинг малакаси даражасига боғлиқ. Профессионал малака тушунчаси остида одатда мутахассис амалиётда қўллайдиган билимлар ва кўникмалар назарда тутилади. Ижодий фаолиятнинг бу турида муваффақият қозониш фақат агар телебошловчи мулоқот технологиялари, нутқ маданиятини юксак даражада эгаллаган бўлсагина, мумкин. Телевизион мулоқотда телебошловчи шахси кўлами ҳам катта роль ўйнайди. Албатта, Ўзбекистон телевидениесида кўп миллионлик аудиторияни йиғишга қодир кўрсатувлар ҳам бор. Бироқ, улар каторида ғоявий жиҳатдан долзарб, бироқ томошабинларда кўриш истагини туғдирмайдиган кўрсатувлар ҳам талайгина. Йиллар давомида телевидениеда ишлаган кўплаб бошловчилар томошабинларга керак бўлган “юлдузлар”га айланмай, қолиб кетганлар ва уларнинг номлари кенг оммага номаълумлигича қолган.

Телебошловчи – бу канал юзи, унинг тимсолидир. Юксак даражадаги профессионализмдан ташқари улар аудитория билан мулоқот қилиш борасида муайян тажрибага эга бўлишлари, маълум бир фазилатлар, хулқ-атворга хос юксак стандартлар, ифодалилиқнинг вербал (оғзаки) ва невербал воситаларини юксак даражада қўллай билишлари лозим. Бунда инсонга аниқ шахс сифатида муносабатда бўлиш ҳақида гап кетмаяпти. Томошабин экрандаги образга баҳо беради. Демакки, телебошловчининг профессионал сифатларини баҳолайди. Умуман, профессионал маҳорат тушунчасига илмий адабиётларда одатда қуйидагича таъриф берилади. “Профессионал маҳорат – бу профессионал малака даражаси, ўз касбига оид билимларни касб фаолиятига алоқадор вазифаларни бажаришда қўллай билишдир. Журналист касб маҳорати даражасини у тарқатаётган ахборот сифатига қараб баҳолаш керак”³.

Телебошловчи фаолиятининг муваффақиятли бўлишини таъминловчи асосий шартлардан бири – журналистнинг дунёқараш борасида етуклик, яъни унинг ўз дунёқарашини кенгайтириш ва ўз малакаси даражасини ошириш

³ Цвик В.Л. Телевизионная служба новостей. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. С.167

орқали воқелик ва ўзини ўзи қанчалик чуқур ўрганганлигидан иборат. Кенг эрудициясиз янги таассуротларни таъминлаш мумкин эмас. Ўз билим доирасини тинимсиз кенгайтирар экан, тележурналист шунчаки бир биридан узилган маълумотларни йиғмайди, балки ўз коммуникатив фондини узлуксиз равишда тўлдириб боради. Мулоқотнинг асосий воситаси тилдан иборат. Яъни нутқ асносида сўзлар, иборалар ва уларни маъноли жумлаларга бирлаштириш тизимидан ташкил топади. Бошловчининг сўзлари томошабиннинг ички позицияси, унинг қарашларига таъсир кўрсатади. Шу боисдан бошловчи сўзлари ижобий кайфият олиб келиб, илиқ қувват таратиши муҳим. С.А.Муратов, «Телекўрсатувлар таъсирида аудиториянинг ўзи бошқа аудиторияга айланади» деб таъкидланганди⁴.

Телебошловчи – оммавий коммуникаторнинг мукамал фазилатларини ўзида мужассам этган тележурналист, моҳир мулоқот устасидир. Бизнинг ахборий жамият ёки олимлар таъбири билан айтганда, билимлар жамиятида касб фаолияти мулоқот билан боғлиқ мутахассисларга тобора юқори талаблар қўйилмоқда. Профессional коммуникация соҳасидаги рақобатчилик телебошловчиларни аудитория кутаётган шахсий ва ижодий сифатларни ривожлантиришга мажбур қиляпти. Кейинги пайтларда телебошловчилар, тўғрироғи, бошловчилик қилаётган журналистлар шунчаки сухандонларни сиқиб чиқармоқдалар. Боиси – томошабинларни шунчаки ахборот эмас, балки журналистнинг шахси, унинг маънавий ва ижодий салоҳияти қизиқтиради. Жозибадорлик ва кенг дунёқараш, эркин ва чиройли нутқ, ўзига хос фикрлаш тарзи – бу бошловчи муваффақиятининг зарурий шартларидир. Энг асосийси – мулоқот маҳорати, демакки, бошловчи маҳорати – бу фақат технология ва усуллар эмас, балки муайян бир юксак савиядир. Телебошловчи шунчаки гапириши етарли эмас, у ўзини кўрсата билиши, кўринмас томошабин билан мулоқотга кириша олиши ҳамдир. Жисмоний фазилатлар – яхши ташқи кўриниш, ёқимли овоз ва тўғри

⁴ Цит.: Кузнецов Г.В. Семь профессиональных граней журналиста ТВ. - М.: ИПК работников ТВ и РВ, 2001. Стр. 57

талаффуздан ташқари телебошловчи журналистга яна қуйидаги талаблар ҳам қўйилади:

- Кенг маълумот, одамлар ва ҳаётни билиш;
- Ақлли ва ҳозиржавоб бўлиш;
- Юмор ҳисси;
- Сабр-тоқат;
- Тасаввур;
- Шижоатли бўлиш;
- Ўзига бўлган ишончга асосланган камтарлик;
- Жамоада ишлай олиш қобилияти.

Ушбу сифатлар инсоннинг табиатига киради – улар ёки бор, ёки йўқ. Уларга ўрганиб олиш мумкин эмас, фақат ривожлантириш мумкин, шунда ҳам ҳаммасини эмас. Шундай бўлсада, биргина муҳим ҳусусият – яхши нутқни ўрганса бўлади. Бунинг учун журналист ўз нутқи устида тинимсиз ишлаши керак.

Телевизион журналистика бўйича ўқув қўлланмаларида ахборот кўрсатувларида эфир олиб борадиган журналистларнинг касб маҳорати ҳақида гап кетганда, одатда қуйидаги мезонлар таъкидлаб ўтилади⁵:

Ташқи кўриниши - телевидение учун ёқимли, қирралари тўғри, жиддий юз мос тушади; агар кўзлар, оғиз, бурун, кулоқлар ҳаддан ташқари катта бўлмаса, жуда яхши. Юз ранги унчалик аҳамиятли эмас – бу грим устасининг муаммоси. Мовий кўзлар одатда телеэкранда хунукроқ кўринади. Аёл бошловчилар малласоч ва қорасочларга деярли тенг бўлинади, лекин эркак бошловчиларнинг асарияти қорасоч. Агар бошловчи семиришга мойил бўлса, албатта ўз вазнини назорат қилиши керак, чунки экранда одамлар бориға нисбатан тўлароқ ва умуман йирикроқ кўринади.

⁵ Телевизионная журналистика: учебное пособие. - М., 1994, стр. 89

Овоз ва нутқ – бошловчига яхши, йўлга қўйилган овоз керак, у яна тўғри гапириши ҳам шарт. Ёқимсиз овоз бошловчи учун маъқул қурилмайди.

Нутқни созда чалинган мусиқа деб тасаввур қилсак, сўзлашув нутқининг оҳанги ҳам мусиқа каби бўлади, яъни у чиройли бўлиши керак.

Саломатлик ҳам бошловчи учун муҳим мезон. Сурункали касалликларга эга одамлар, афсуски, телебошловчи бўлолмайдилар. Агар саломатлик ўзига нисбатан лоқайд муносабат, турли иллатларга берилувчанлик оқибатида бузилган бўлса, бу кечириб бўлмас ҳолдир. Журналистика – мураккаб, инжиқ иш, шу боисдан у ерда фақат ўз саломатлигига масъулиятли инсонларгина ишлай оладилар. Катта юкламаларга асосланган бу фаолиятнинг уддасидан чиқиш учун инсон албатта соғлом бўлиши керак.

Маълумот ва ҳаётий тажриба. Албатта, киши илк бор студияга келганда, унинг ҳеч қандай касбий тажрибаси бўлмаслиги мумкин – бу табиий ҳол. Лекин телебошловчининг катта ҳаётий тажрибаси ва кенг маълумоти бўлиши нур устига аъло нур.

Назарий билимнинг кўп бўлиши ортиқча демаймиз. Лекин амалий топқирлик, уддабуронлик телебошловчи учун зарур.

Одамлар ва воқеаларни тушуна билиш ҳам муҳим. Томошабинларнинг аксарияти ақлли ва мулоҳазали бошловчини “телеюлдуз”дан тезда фарқлаб олади. Улар “нима тўғрисида гапираётганини билган” инсонга дарҳол ишонадилар.

Ақл ва зукколик – кутилмаган муаммоларни тезда ҳал қилиш қобилиятидир. Телебошловчи бутун меҳнат фаолияти мобайнида айнан шунга дуч келади.

Юмор ҳисси телебошловчининг ўзига ҳам, томошабинларига ҳам керак бўлади. Ушбу фазилати бўлмаган инсон бошловчи бўлишга ҳатто ҳаракат ҳам қилмагани маъқул. Биринчидан, томошабин тунд юзли инсонга қарашни ёқтирмайди, чунки у иш куни давомида шундай қиёфаларни кўравериб, тўйиб кетган. Иккинчидан, юмор ҳиссисиз бошловчининг мураккаб

фаолиятига чидаб бўлмайди. Айниқса ўз устида ҳазил қилишни билиш керак, шунда қийинчиликлар унча оғир бўлмайди.

Самимийлик ҳам керакли ҳислатлар қаторига киради. Телевидение самимий инсонларни саралайди, деб ҳисобланади. Бу ҳақиқат, чунки ёлғончи инсон бунда шундоққина кўриниб қолади. Бошқа томондан, юқори малакали тележурналист экрандан туриб самимий қиёфага кириб олиши ҳам мумкин – юз ифодаси, овоз, танланган сўзлар мутлақо самимийдек туюлиши мумкин. Демак, бошловчига артистлик маҳорати ҳам керак бўлади.

Яхши реакция, яъни *ҳозиржавоблик* ҳам бошловчи учун муҳим хусусият. Масалан, агар бошловчи ахборот дастурини олиб бораётган пайтда зудлик билан ўқилиши лозим бўлган хабар ёки эълон келиб қолса, у ўзини йўқотмай, айна дамда эфирга кетаётган лавҳа тугаши билан, жонли эфирда гапини бошлаши керак. Бошловчи ҳаяжонини яшириши керак, чунки томошабин ҳамма нарса режалаштирилганидек кетяпти, деб ўйлаши лозим. Демак, бошловчи учувчи ёки автопойгачидек реакцияга эга бўлиши даркор.

Тасаввур қобилияти ҳам бошловчи учун муҳим. Айниқса жонли эфир пайтида, бошловчи студияга кириб, жойлашгандан сўнг камеранинг қизил чикроғи ёқилади ва у бир неча миллион томошабин билан юзма-юз қолади. Шунда студиядан ташқарида бўлган аудиторияни аниқ тасаввур қилиш лозим. Бу бошловчини диққат билан тинглаётган инсон образидир. У сизни кузатади, гапларингиз маъкул келиб, бошини қимирлатади, сизнинг фикрингизга қўшилади. У сиз учун ижодий қайфиятдаги аудитория тимсоли бўлади. Кейинчалик, касбни мукамал эгаллагандан кейин, бошловчи ўз тасаввурида анча танқидий қайфиятдаги томошабинни кўз олдига келтириши керак. Бу ҳам ишда ёрдам беради. Демак, тасаввур - бошловчи фаолиятидаги муҳим фазилят.

Шижоат - бу ҳам керакли хусусият. Ахборот кўрсатувини совуққина оҳангда ёки бўш-баёв олиб ораётган бошловчини тасаввур қилиш қийин. Томошабин бошловчи ўз ишига шижоат билан ёндошишини яхши кўради. Бошловчининг ўз ишига жиддий ёндошиши эфирда кўриниб туриши керак.

Жамоада ишлай олиш қобилияти – бу ҳам бўлса жуда зарурий хусусият. Одатда ахборот кўрсатувлари ижодий жамоалари битта катта хонада жойлашган бўладилар. Хусусан, МТРКнинг “Ахборот”, “Давр”, “Пойтахт” ва “Хабарлар” дастурларида ҳам шундай. Бу махсус ўйлаб қилинган иш, чунки дастурни тайёрловчи ижодий жамоа бир хонада жойлашса, ким тасвирга олиш жараёнларидан келиб, ким лавҳани тайёрлаш учун қаёққа кетаётгани шундоқ маълум бўлиб туради. Бошловчи эса кўрсатув сценарийсини ёзаётганда шу кун учун лавҳа бераётган барча журналистлар билан мулоқот қилиши мумкин. Бироқ, ҳамма бир хонада бўлишининг нокулай жиҳати шундаки, бошловчи ўз гапини ёзаётганда хонада бироз шовқин бўлиши мумкин: кимдир бугунги лавҳаси учун қўшимча маълумот олиш мақсадида бирор идорага телефон қилаётган ва бунда баланд овоз билан мулоқотга киришган, кимдир эртанги репортаж учун тайёргарлик кўриб, яна телефонда кўнғироқлашаётган, яна кимдир ёнидаги журналистдан маслаҳат олаётган ва ҳоказо бўлади. Мана шундай шароитда бошловчи ҳамма билан мулоқот қилиши, сценарий ёзишига тўғри келади. Бунга кўникиб, жамоа билан тил топишиб ишлашни ўрганмоғи керак.

Телебошловчилик касби тобора мураккаб ва кўп қиррали бўлиб бораптики, бу нафақат инсонда муайян иқтидор бўлишини, балки ташқи кўриниш ва жисмоний тузилишга доир бир қатор хусусиятлар, профессионал сифатларнинг бўлишини ҳам тақозо этмоқда. Бунда ижодий фаолиятга бўлган лаёқат нафақат муайян билим ва кўникмалардангина иборат бўлади, балки уларнинг енгил ва осон ўзлаштирилишини кўзда тутаяди. Бошловчилик қобилияти туғма истеъдоддангина иборат бўлмайди, балки унинг асоси меҳнат билан шакллантирилади. Жумладан, миллий телевидениемиздаги таниқли бошловчилардан аксарияти махсус журналистик маълумотга эга бўлмасаларда, тинмай ўз устиларида ишлаганликлари боис бу соҳадаги моҳир профессионаллarga айланишган. Айнан профессионал маҳоратни эгаллаш уларга ўз истеъдодларини намоён қилиб, ижод чўққиларига эришиш имкониятини берган.

Албатта, эфир олиб бораётган журналист шахс ва жамият онгининг янада чуқур қатламларига таъсир кўрсатади. Бу таъсир гоҳида умумий маълумот оқидамида аҳамиятсиздек туюлади: газетани ўқиб, эсдан чиқардинг, эртага бу ҳақда эслаб ўтирмайсан, телевизорни бир каналдан бошқасига олиб, кўрган дастуринг ҳам ёддан кўтарилади гўё. Бироқ, ана шу томоша қилинган дастур киши билмас тарзда инсон онгига таъсир кўрсатиб, унинг муайян мавзудаги фикрини шакллантириб улгурди. Бу фикрни баён қилганда эса, томошабинлар унинг телебошловчи томонидан уқтирилган эмас, балки шахсий фикр деб қабул қила бошлайдилар. Шу боис ҳам, телебошловчиликнинг ҳамма жойга кириб бориш хусусияти ва бошқарув кучини эътиборга оладиган бўлсак, бу ходиса биз тасаввур қилгандан кўра мураккаб феномен бўлиб чиқади. Шу маънода ОАВга берилган “тўртинчи ҳокимият” атамаси ҳатто етарли эмасдек бўлиб чиқади, яъни тележурналистикани жамиятдаги энг таъсирчан куч деб тан олишга тўғри келади, айниқса ахборот тармоқларининг глобаллашуви кучайган ҳозирги пайтда. Шу боис ОАВга эътибор бериш керакмас, нима деса, деяверсин, деган фикрни эшитганда, бу тўғри эмаслигини эътироф этамиз. Зеро, инсон онгига сўз конструкциялари, айниқса ранг, нур, телевидениенинг вибрацион тузилмалари, 25 – кадр ва ҳоказоларнинг таъсири ҳаммага маълум. Тадқиқотлар кўп маротаба тасдиқлаганидек, тажовузкор фильмлар, кўрқитишлар, муайян ранг гаммаси ва айрим ритмик параметрлар телетомошабинларга кучли салбий таъсир кўрсатади. Бунга энг ёрқин мисол тариқасида қуйидаги воқеани келтириш мумкин. Телевидение орқали “Покемон” мультсериалининг “Чўнтакдаги монстрлар” деб номланган қисмини томоша қилгандан сўнг, юзлаб япон болалари томир тортишиш, эҳтиросли зўриқиш ва бошқа сабаблар билан касалхоналарга тушиб қолганлар. Бунда гап фақат фильмнинг мазмуни эмас, балки кадрлардан бирида қизил ва оқ рангнинг тез-тез алмашинувида эди. Чунки бундай ранг-товуш қўзғатувчилари руҳий зўриқиш ҳолатларини келтириб чиқаради.

Демак, телевидениенинг таъсир кучи муттасил ошиб бормоқда. Шу боисдан ҳам кўрсатув бошловчилари фаолиятини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш масаласи ўтган даврларга нисбатан тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

1.2. Бошловчи ва сухандон (диктор), улар ўртасидаги фарк

Биз тезкор ижтимоий ўзгаришлар дунёсида яшамокдамиз. Эврилишлар инсон ҳаёт тарзида, реал воқеъликда мўлжал ола билиш учун зарур бўлган ахборот ҳажмининг ўсишида, янги соҳалар, фаолиятнинг янгича тур ва воситаларининг пайдо бўлишида намоён бўлмоқда. 20-21 аср одамларининг дунё, жамият ҳақидаги тасаввурлари индивидуал тажриба доирасидан анча четга чиқади. Замонавий инсоннинг ҳаётини макони космик ва планетар кўламларгача кенгайиб, замони эса тарихий кенглик касб этмоқда. У ўзини дунё ва давр фуқаросидек англай бошлаб, ўз турмуш стратегиясини ҳам шунга қараб қурмоқда⁶. Бироқ, глобал дунё образини қуриш учун шунчаки шахсий тажрибанинг ўзи етарли эмас, шунинг учун бошқа инсонлар тажрибаси, ОАВ орқали тарқатилаётган ахборотга кўпроқ мурожаат қилишга тўғри келмоқда.

Техник воситалар ёрдамида амалга ошириладиган коммуникациянинг ўзига хос хусусияти мулоқот бўйича ҳамкор томонларнинг макон ва замон жиҳатидан бўлинганлигидадир. Бундай мулоқотда субъектларнинг бевосита учрашуви содир бўлмайди (фақат тўғридан-тўғри радио- ёки телеэфир бундан мустасно). Бундай телекоммуникацияда марказий бўғин телевизион хабардан⁷ иборат бўлади. У аудиторияга фаол таъсир ўтказиб, уни бошқа макон ва замонда содир бўлаётган мулоқотга жалб этади. Телевизион хабар доимо томошабинган муаллиф, телекоммуникатор образини қайтадан тиклаш имконини берувчи ахборотдан ташкил топади. Шу билан бир вақтда хабар муаллифи ҳам ўз аудиториясининг умумлашган образини ўзига тасаввур қилади, акс ҳолда хабар таъсирчан бўлмайди.

Шу тариқа, билвосита шароитдаги коммуникатив акт тузилишида уч асосий элементни ажратиб кўрсатиш мумкинки, улар одатда олимлар

⁶ Место и функции массовой коммуникации в процессе педагогического воздействия. М.: 1975.; Телевидение и школа. М., 1989.

⁷ Матвеева Л.В., Аникеева Т.Я., Молчанова Ю.В. Психология телевизионной коммуникации. М.: Учебно-методический коллектор «Психология», 2000.; Матвеева Л.В., Аникеева Т.Я., Молчанова Ю.В. Экранный образ и личностные особенности телеведущих // Психологический журнал, 1999, Т. 20, № 1. С. 20–30.

тадқиқотининг асосий предмети ҳисобланади, булар: коммуникатор-бошловчи, телевизион хабар, аудитория.

Телевизион бошловчиларнинг касбга оид хусусиятлари бир қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган. Улар қаторида М.К. Андреева, Л.В. Матвеева, Н.Б. Шкопоров, Т. Я. Аникеева, Б. Льюис ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Улар томонидан бошловчиларнинг муваффақиятли профессионал фаолиятини таъминловчи шахсий хусусиятлар аниқлаб берилиб, телебошловчи шахсига оид концепциялар таърифланди, айниқса дикторлар ва бошловчилар ўртасидаги фарқ, уларнинг шахсий хусусиятларидаги тафовут очиқ берилди⁸.

Ҳозирги авлод телетомошабинлари хотирасида телевидениедаги бошловчилик функцияси камида икки маротаба ўзгарган, дейиш мумкин. Хусусан, йигирма-ўттиз йиллар аввал телеэфирда бошқа одамлар томонидан ёзилган ва цензурага мос тарзда таҳрир қилинган матнни ўқиб берадиган суҳандонлар фаолият кўрсатар эдилар. Ўша пайтларда фақат айрим танланган журналистларгина муаллифлик дастурларида оғиз жуфтлашга ҳақли бўлардилар. Суҳандонлар эса қисман роботларни эслатардилар, чунки фақат машина мана шундай аниқ, тутилмасдан туриб қоғоздан янгиликлар ўқиб беришга қодир эди. Йиллар ўтиб, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, янгилик дастурлари экранда эътиборни жалб қилувчи асосий омилга айланди ва шундан сўнг, суҳандонлар ўрнини ўз номидан гапира бошлаган шарҳловчи – журналистлар эгалладилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда телебошловчи деганда биров ёзиб берган матнни ортиқча ҳиссиётларсиз ўқиб берадиган суҳандон эмас, балки теран фикрловчи, воқеалар моҳиятини тушуниб, таҳлил қилишга қодир журналист

⁸ Андреева М.К., Матвеева Л.В., Шкопоров Н.Б. Психологический анализ профессионально важных качеств творческих работников телевидения. М.: ВИПК работников ТВ и РВ, 1991.; Матвеева Л.В., Аникеева Т.Я., Молчанова Ю.В. Психология телевизионной коммуникации. М.: Учебно-методический коллектор «Психология», 2000.; Матвеева Л.В., Аникеева Т.Я., Молчанова Ю.В. Экранный образ и личностные особенности телеведущих // Психологический журнал, 1999, Т. 20, № 1. С. 20–30.; Матвеева Л.В., Шкопоров Н.Б. Связь с аудиторией в телекоммуникации // Прикладные исследования. М.: Гостелерадио, 1991. Ч. 1–2.; Шкопоров Н.Б., Матвеева Л.В. Интерес к телепередаче в аспекте личностно-психологических характеристик аудитории. М.: ВИПК работников ТВ и РВ, 1991.

тушунилади. Яъни, “бошловчи” сўзи “журналист” сўзининг маънодошига айланганки, телебошловчи деганда биз аввало профессионал журналистларни тушунамиз. Шу боисдан бўлса керак, ҳозирда телевидениеда “суҳандон” (диктор) тушунчаси мутлақо унут бўлиб бормоқда. Бошловчи деганда эса экрандаги “гапирувчи бош” эмас, балки ҳар бир телетомошабин хонадонига кутилган меҳмондек кириб келадиган суҳбатдош инсон кўз ўнгимизда гавдаланади. Замон ўзгариб, бошловчи тушунчаси ҳам ўзгаришларга юз тутган сари, ушбу касб эгаларига қўйилган талаб ҳам мураккаблашиб бормоқда. Буни биз Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телеканаллари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Улар дастуридан деярли барча жанрдаги телекўрсатувларнинг ўрин олганлиги бизга телебошловчи мавзусида анча мукамал ва чуқур тадқиқот олиб бориш имконини беради.

Телебошловчи – каналнинг юзи ҳисобланади. Ундан ўрнак оладилар, у одамлар учун намуна бўлиб хизмат қилади. Шу боис юксак профессионал маҳоратдан ташқари у албатта муайян тажрибага эга бўлиши, бир қатор шахсий фазилатлар, хулқ-атвор борасидаги юксак мезонларга амал қилиш, ўз фикр-мулоҳазаларини ифода этишнинг вербал (оғзаки) ва новербал воситаларидан фойдалана билиши ҳам муҳим. Бунда инсонга аниқ бир шахсга нисбатан муносабат кўрсатиш ҳақида гап бормаяпти. Яъни томошабин аввало бошловчи томонидан тақдим этилган экрандаги образ, демакки, бошловчининг профессионал жиҳатларига эътибор қаратади. Нима учун айрим бошловчилар томошабинларнинг ҳурмат – эътибори ва меҳрини қозонади, айримлар эса йўқ? Бу саволга жавоб топиш учун телебошловчининг аудитория билан мулоқоти, унинг касб маҳоратига доир чуқур таҳлил ўтказиш керак бўлади. Яъни, мулоқот нима учун, қайси мақсадда амалга оширилади: телебошловчи томошабинга нима демоқчи, нимани хабар қилмоқчи эканлигини яхши англаш даркор. Тақидотлар шуни кўрсатадики, айнан шу омил томошабиннинг телебошловчига нисбатан муносабати: меҳри, қўллаб-қувватлаши, лоқайдлиги, ёқтириш-

ёқтирмаслигини белгилайди. Бунда гап журналистнинг дунёқараши, аудиторияга муносабати, ўз ишига ёндашуви каби мезонлар ҳақида кетяптики, айнан шу мезонлар сифати телевизион мулоқот самарасини аниқлайди.

Диктор , яъни суҳандон ва бошловчи ўртасидаги фарқ ҳақида гапирганда, бир жонли мисолни келтирайлик. Дейлик, ахборот дастури давомида аввалдан эфирга берилиши назарда тутилган қайсидир репортаж техник сабабларга кўра эфирга кетмайдиган, унинг ўрнига бошқа янгилик бериладиган бўлди. Бунда эфир олиб бораётган бошловчи навбатдаги лавҳа тугагунича сценарийга тезда ўзгартириш киритиб, янги гап ёзиши, яна қисқа вақт ичида матндаги мантикий урғуларни тўғри қўйиб чиқиб, уни қандай оҳангда ўқиб беришини ҳам ўйлаб қўйиши лозим. Чунки у бошловчи, яъни ахборот дастури муаллифларидан бири. Агар унинг ўрнида диктор бўлса, бу ишларни у қила олмайди. Чунки суҳандон – бу мутлақо бошқа касб. Дикторнинг вазифаси – унга берилган тайёр матнни чиройли қилиб, ўзбек тили талафузи меъёрларига мос равишда ўқиб бериш, сўзлар охиридаги товушларни “ютиб” юбормай, уларни аниқ айтишдан иборатдир. Бу ўринда биз суҳандонларни камситиш фикридан йироқмиз, бу шунчаки бошқа касб эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Бундан ташқари, бошловчи шунчаки янгиликларни ўқимайди, балки айрим ўринларда уларни шарҳлайди ҳам. Сценарий ёзганида ва бирор бир мавзуга кириш сўзи қилганида у албатта кўпроқ ўз дунёқараши, ўз фуқаролик позициясидан келиб чиқади.

Агар авваллари янгиликларни олиб борган суҳандонлар кўрсатувни тайёрлашга мутлақо аралашмаган бўлсалар, ҳозирда бошловчилар дастур тайёрлаш жараёнининг бошида турадилар, тартибни тайёрлашда қайси лавҳа қайси ўринда кетишини касбдошлари билан маслаҳатлашган ҳолда ўзлари ҳал қиладилар, тайёр бўлган лавҳаларни йиғишда ҳам ўзлари иштирок этадилар, кўрсатувнинг айрим қисмлари, масалан бобслей, яъни дастур бошида бериладиган лавҳаларнинг қисқача мазмуни ҳақидаги анонсни

ўзлари мустақил йиғадилар. Демак, ҳозирда янгиликларнинг бошловчиси шунчаки унинг юзи эмас, балки муаллифларидан биридир.

Ҳозирги пайтда ахборот дастурларида шундай бир ёндашув борки, агар журналист муҳаррир бўлиб ишлаш тажрибасига эга бўлмаса, уни бошловчиликка қўймайдилар. Масалан, “Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Ахборот” дастурида журналист айнан шу дирекцияда камида 5-6 йиллик иш тажрибаси орттириб, касб маҳорати чарҳлангандан кейингина, уни эфирга қўядилар. Ундан ташқари унинг ёши ҳам кам деганда 30 дан ошиши керак, чунки томошабин айнан тажрибаси борлиги кўзга ташланиб турган ўрта ёшли инсонга кўпроқ ишонади. Шу боисдан бу дастурни асосан 35 ёш ва ундан каттароқ журналистлар олиб борадилар. Чунки “Ахборот” – бу мамлакатимизнинг бош информацион дастуридир. У, таъбир жойиз бўлса, юртимизнинг юзи. Аниқса унинг рус тилидаги сонини сунъий йўлдош орқали жаҳон кўради ва мамлакатимиздаги жараёнлар тўғрисида хулоса чиқаради.

Умуман олганда, агар бир сўз билан суҳандон ва бошловчи ўртасидаги қатъий фарқни айтдиган бўлсак, бошловчи – бу аввало журналист, диктор эса бу аввало артист.

Бир қарашда, янглик дастури бошловчисининг суҳандон, яъни диктордан фарқи катта эмасдек туюлади. Суҳандон телесуфлердан аввалдан тайёр қилиб ёзиб берилган ва текширилган матнни ўқиб беради, бошловчи ҳам худди шу ишни қилади, фақат матн муаллифи айнан унинг ўзи бўлади. Назарий жиҳатдан диктор импровизация ҳуқуқига эга эмас, бошловчи эса айнан шу ҳуқуқга эга. Амалда ахборот дастурлари бошловчилари бу имкониятдан кам фойдаланадилар. Бунинг боиси – улар буни хоҳламаганида эмас. Янгилик дастурининг динамикаси, яъни жадаллиги шу даражадаки, муайян фактни англаш, бу борада ўз онгида аниқ жумлаларни тузиш ва уларни айтишга жисмонан вақт етмайди. Бошқа томондан қараганда, бошловчи камера олдида кўпроқ актёрлик маҳоратини ишга солишига тўғри келади: томошабин экрандаги инсон ўзи нима деяётганини тушунишини, ўзи

гапираётган мавзунини ҳам яхши билишини сезиб туриши керак. Яхши актёрдан залга тараладиган ўзига хос бир “нурланиш” ҳақида ёзган К.С. Станиславскийнинг таърифидан фойдаланадиган бўлсак, шунини айтишимиз мумкинки, айнан шундай нурланиш бошловчинини диктордан ажратиб туради.

Диктор томошабинларга кўрсатувлар дастурини етказди, об-хаво хабарини эълон қилади. Ҳозирги ахборот дастурларида эса унинг роли эфирда бирорта расмий хабарни ўқиш билангина чекланади. Буларнинг ҳаммасини бошловчи ҳам бажара олади. Шу боисдан кўпгина каналлар кўрсатувлар дастури ва об-хаво маълумотларини суҳандонлар орқали етказиш шаклидан воз кечдилар. Бундан келиб чиқиб, шунини тахмин қилишимиз мумкинки, суҳандонлик касби телеэкранни тарқатиб, ўзининг айрим қирраларини бошловчи касбига қолдирыпти. Бошқа томондан, бошловчи ҳам кўрсатувнинг мутлақ муаллифлигига даъво қилолмайди. У фақат ҳаммуаллиф, чунки томошабин бошловчининг ўзи мамлакат ва сайёрамизнинг турли нуқталаридан янгиликларни тайёрлаб олиб келмаганлигини тушунади. Лекин томошабин ана шу хабарларнинг маҳорат, ишонч ва аниқлик билан етказиб берилишини баҳолай олади. Шу боисдан бошловчи тинмай ўз маҳорати устида ишлаш керак: унинг ўзи ёзган матнидаги ҳеч бир тиниш белгиси аудитория томонидан тушунилмай қолмаслиги керак.

II боб. Ахборот кўрсатувларидаги бошловчиликнинг ўзига хос жиҳатлари

2.1. Бошловчи маҳоратини белгиловчи омиллар

Телевидение оммавий коммуникацияларнинг энг кучли воситаси сифатида ҳам алоҳида одамлар, ҳам умуман жамиятга таъсир кўрсатади. Телевизион ахборотнинг томошабинлар аудиториясига таъсир даражаси коммуникатор шахсига кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки телевидение орқали эфирга узатилаётган ахборот қандай бўлганида ҳам телетомошабинлар кўз ўнгида худди муайян шахс томонидан етказилган маълумотдек қабул қилинади. Шу боис унинг қабул қилиниши кўп жиҳатдан бошловчи шахсининг ўзи қандай қабул қилинганлигига боғлиқ бўлади. Бу эса инсон томонидан оммавий ахборот воситалари орқали олинаётган ахборот нафақат мазмун жиҳатдан ўзгарган, балки ушбу ахборотни етказаётган инсон шахси орқали ўтказиб берилади, деган сўздир. Яъни ижтимоий дунё образи қайсидир маънода коммуникаторга (бошловчига) хос образ билан уйғунлашган бўлади⁹. Шу боисдан ҳам бошловчининг шахси, тўғрироғи, шахсий жозибаси ва бир қатор қобилиятлари кўрсатувнинг муваффақиятли чиқишида муҳим роль ўйнайди.

Чет эл журналистикасида шахсий жозоба тушунчаси “харизма” феномени нуқтаи назаридан талқин қилинади ва шахснинг унинг олдида бош эгишга мажбур қилувчи оҳанграбодек кучли, ўзига тортувчи хусусиятларга эга бўлишини кўзда тутди. Харизма кўпроқ ижтимоий ва сиёсий психология нуқтаи назаридан кўриб чиқилади, шунингдек оммавий коммуникациялар тадқиқотлари жиҳатидан ҳам таҳлил қилинади. Масалан, Г. Голдхабер телевидениедаги бошловчиларни тадқиқ қилишга нисбатан коммуникатор (мулоқот қилувчи, яъни бошловчи)нинг “харизматик” моделини ажратиб

⁹ Борецкий Р, Кузнецов Г. Журналист ТВ в кадре и за кадром. М., 1990

кўрсатади. У экрандаги инсон харизмасининг уч турини кўрсатди: “қаҳрамон”, “аксил қаҳрамон” ва “мистик шахс”¹⁰. Кўп йиллик оммавий коммуникацион амалиёт таҳлил қилинган тадқиқотларида у, телевизион кўрсатувнинг муваффақияти, одатда биргина унинг мазмунига эмас, балки кўпроқ янгиликларни (маълумотларни) етказаётган шахснинг харизмасига боғлиқдир, дея таъкидлайди. “Харизма” деганда у шахсий магнетизм хусусиятини тушунар эди. Голдхабер АҚШ замонавий телевиденисида харизматик шахснинг уч тури мавжуд эканлиги ҳақида хулоса чиқарганди. Булар:

- “қаҳрамон” – аудитория онгида идеаллаштирилган шахс: жасур, тажовузкор, биз эшитишни хоҳлаган нарсалар ҳақида гапирди;
- “аксилқаҳрамон” – “оддий инсон”, “бизлардан бири”, бундай коммуникатор билан биз ўзимизни “хавфсиз” сезамиз;
- “мистик шахс” – ташқи кўринишидан бизга бегона бўлган коммуникатор, зеро у ғайриоддий, биз учун тушунарсиз ва унинг ҳаракатларини аввалдан айтиб бериш мумкин эмас.

Оммавий - коммуникатив амалиёт нуқтаи назаридан, харизма – ривожланишга мойил хусусиятдир. Турли даврларда телеаудитория турли типдаги, ёқимтойлиги, кўркемлиги турли даражада бўлган харизматик коммуникаторларни афзал кўради. Мутахассис тадқиқотчилар томонидан ўтказилган сўров, масалан, шунини кўрсатдики, бугунги амалиёт биринчи планга телебошловчилар орасида айнан кучли харизмага эга бўлган билимдон коммуникаторларни илгари сурмоқда¹¹.

Албатта, харизма – бу нафақат бошқаларнинг завқини келтира билиш қобилияти, алоҳида бир биологик магнетизм, балки бу яна ҳар қандай вазиятда ўзини қўлда ушлай билиш, ўзига ўзи режиссерлик қила билиш,

¹⁰ Агеичева О.И. Представления об обаятельном человеке и их взаимосвязь с личностными характеристиками воспринимающего субъекта // Научные труды аспирантов и докторантов. Выпуск 28. М.: Изд-во Московского гуманитарного университета, 2004. С. 83-93. 0,6 п.л

¹¹ Журналисты XX века: люди и судьбы М., 2003 с.88

колаверса, имиджмейкерлик фаолиятига истеъдодли маслаҳатчилар, психоаналитиклар, режиссерлар, визажистлар, логопедлар, ҳаракатлар бўйича педагоглар ва бошқаларни жалб эта билиш қобилиятидир. Бизнинг онгимиз ташқи кўзгатувчи омиллар бўҳронидан дунёни стереотиплар орқали қабул қилиш фильтри билан ҳимояланган. Бироқ, Е.А. Блажновнинг образли эътирофига кўра : “харизмага йўғрилган имидж бизнинг онгимизга шиддат билан кириб келади”.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, бугунги кунда маълумот манбалари кўплиги, телеканаллар орасида рақобат кучайганлиги туфайли аудитория кўпинча бошловчи билан қисқа муддатли мулоқотга киришиши мумкин, яъни, агар кўрсатув бошловчиси уни бошидан қизиқтириб қўя олса, уни кўришда давом этади, агар бироз қизиқарсиз бўлса, у ҳолда дарров бошқа каналга олади-қўяди. Бу эса бошловчи зиммасига янада каттароқ масъулият юклайди, ахир ҳозирги томошабин аввалгиси эмас, унинг танлаш имкониятлари кўп ва шу боис анча инжиқ ва танлайдиган бўлиб қолган. Шу боисдан ҳам ўзининг ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилган ҳар қандай телекомпанияда бошловчилик маҳоратига алоҳида эътибор қаратилади. Бу масалага айниқса ижодий кадрларни танлаш чоғида катта аҳамият берилмоқда. Бунда малака тушунчасига урғу берилади ва шу боис бу масалага мазкур илмий ишимизда алоҳида тўхталамиз.

Малака – бу ишга доир вазифаларни бажариш ва керакли самарага эришиш учун зарур бўлган билим ва кўникмалардан иборат қобилиятдир.¹² Ушбу тушунча замирига исталган, яъни шарт бўлмаган ва шарт бўлган, яъни телебошловчининг самарали фаолияти учун зарур сифатлар ва хусусиятлар киради. Уларга қуйидаги сифатларни киритиш мумкин:

1. Профессионаллик – бу касб фаолияти билан боғлиқ вазифаларни бажаришда профессионал билим ва кўникмаларни тўлақонли қўллай билиш қобилиятидир.

¹² Борецкий Р, Кузнецов Г. Журналист ТВ в кадре и за кадром. М., 1990

2. Коммуникативлик, яъни мулоқотга киришимлилик – турли мақомга эга инсонлар (томошабинлар, ходимлар, телеканал раҳбарияти, ҳамкасблар, ҳамкорлар ва бошқалар) билан самарали мулоқот қила билиш, алоқалар ўрнатиш, маълумот олиш ва уни қайта ишлаган ҳолда томошабинга етказишда сўздан моҳирона фойдаланиш, вербал ва новербал воситаларни усталик билан қўллаш маҳоратидир. Телекоммуникация жараёнининг самараси телебошловчилар ўзлари мўлжал қилган томошабинлар аудиториясини қанчалик яхши билишлари ва тасаввур қилишларига боғлиқ бўлади.
3. Креативлик, яъни ижодкорлик (ҳар бир ишга ижодий ёндоша билиш қобилияти) – бу янги, бетакрор ғояларни вужудга келтира олишлик қобилиятидир. Бунда фаолиятнинг бир турида орттирилган ижодий кўникмалар бошқа турдаги автоматик муваффақиятни таъминламайди. Яъни, ҳар бир турдаги ишга креатив (ижодий) ёндашув қобилияти бўлиши керак.
4. Ташаббускорлик – янги вазифаларни зиммасига олишга тайёр туриш, профессионал вазифаларни ҳал қилишга бўлган янги ёндашувларни қўллаш қобилияти.
5. Ривожланган интуиция қобилияти – воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш, умуман узоқни кўриш, устивор йўналишларни тўғри белгилаш, ахборот сифатини баҳолай олиш, аудитория кутган нарсани бера олиш, унинг талаб ва эҳтиёжларини яхши тушуниш ҳисси.
6. Ижтимоий мослашувчанлик – янги шароитларга тезда кўника олиш, ижобий ўзгаришларни тушуниш ва қўллаб қувватлаш, тез ўзгараётган вазиятда самарали фаолият кўрсата олиш, доимий равишда касб маҳоратини оширишдан эринмаслик.
7. Масъулиятлилик – ўз иши, профессионал фаолиятининг маҳсулоти томошабинда чақирган реакция учун масъулиятли бўлиш қобилияти. Билим ва ахборот телебошловчининг стратегик ресурси бўлиб хизмат

қилади ва ундан оқилона, виждонан фойдаланиш учун масъулият хиссини ҳар бир журналист ўзида шакллантириши лозим.

8. Стрессларга чидамлилиқ – шахснинг стрессни енгиб ўтиш, унинг профессионал фаолият сифатига таъсир кўрсатмаслигини таъминлаш қобилияти.

Ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин, зеро ҳар қандай ижодкор шахс бетакрор ва ўзининг бошқаларга ўхшамаслигини таъминлаб турувчи хислатларга эгаки, булар телетомошабиннинг ушбу шахс фаолиятига кизиқишни белгилаб туради. Шунга қарамай, муаллиф фикрича, юқорида санаб ўтилган касб малакасига доир асосий хусусиятларсиз телебошловчи фаолияти тўлақонли бўла олмайди.

Умуман олганда, табиати бўйича телебошловчилик касбини ижодий, бироқ ўз ичида ташкилий ишларни ҳам жамлаган касб сифатида таърифлаш мумкин. Чунки ўз фаолиятида бошловчи камида беш-олти аъзодан иборат ижодий жамоа билан ишлаши керак бўладики, уларнинг ҳар бири билан тил топиша олган ҳолда ижодий жараёни ташкиллаштириш ҳам кишидан алоҳида маҳорат талаб қилади. Бу касб тезкорлик, ўзгарувчан вазиятларга тезда мослаша олиш каби қатор хислатларни тақазо этади. Умуман, бошловчилик кўпроқ ақлий меҳнат билан боғлиқ, чунки бунда маълумотлар қайта ишланади, таҳлил қилинади, матн ёзишда эса теран фикрлаш ва албатта улкан сўз бойлиги керак бўлади. Бундан ташқари, юқори меҳнат мароми, стресс даражасининг баландлиги, зўриқиш кабилар ҳам бошловчи ишига хос жиҳатлардир. Шунга қарамай, бошловчилик ишининг энг қадрли жиҳати – бу ижод эркинлигидир. Яъни бу касб бизга янги ғояларни олиб чиқиш, одамлар ҳаётига янгилик ва зиё олиб кириш, “теша тегмаган” фикрларни билдириш имконини беради.

Бошловчи фаолиятининг таъсирчанлигини белгиловчи омиллар қаторида имидж тушунчасини алоҳида эътироф этиш лозим. Ушбу мавзудаги олимлар томонидан ўтказилган аввалги тадқиқотлар чоғида сўровдан ўтказилган амалиётчи журналистлар “имидж” тушунчасини аввало “шу пайтгача

оммавий коммуникация соҳасида бўлмаган образ” (жавоб берганларнинг 43 %) дея таърифладилар, яна “обрўли, ўзига тортадиган ташқи кўриниш” (18%), “ўзига бўлган ишонч” (14%), “ўзи истаган шахсдек туюла билиш” (11%) ва ҳоказо ¹³.

Бироқ шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, коммуникатор имиджи объектга нисбатан доимо соддалаштирилган бўлади. Ушбу “омма учун чизилган портрет” ўзгарувчан бўлади ва кўпинча аудитория онгида “мустақил ҳаёт” кечириб, доимий “фактологик” ҳамда “драматургик” озуқа талаб этади. У шунингдек реал ва исталган образнинг “орасида” бўлади.

Коммуникатор имиджининг таркибий қисмлари: ташқи чизгилари, феъли, ўзини тутиш услуби, коммуникатив тавсифлари, “ғоявий платформаси”, ва энг асосийси – коммуникатив етакчининг психологик хусусиятлари – яъни у тўғрисидаги комплекс таассуротлардир. Кейингиси айниқса аудитория талабларига жавоб берадиган типаж танлашда муҳим. Зеро бирор бир тип доирасига жойлаштирилган коммуникатор янада уйғун тарзда қабул қилинади. Бунга бир нечта мисол келтирайлик.

Оммавий ахборот воситаларининг эволюцияси ва демократлашувининг белгиларидан бири “персонификация”, яъни шахсийлашув жараёни бўлди. Замонавий журналистикада ўз исмидан уялиш эмас, балки айнан ўзининг номидан гапириш керак, деб ҳисобланади. ОАВни қамраб олган персонификация курсатувлар бошловчиларининг хатти-ҳаракатларида ўзига хос тарзда акс этди. Агар буни Россия теледастурлари мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, бу жараёнда, бизнингча, Сергей Шолохов томонидан “Тихий дом” муаллифлик дастурида ва Константин Эрнст томонидан “Матадор” кўрсатувида индивидуал коммуникаторларнинг жуда таъсирчан образлари шакллантирилган эди. Буларнинг асосий таркибий қисмларини таҳлил қилайлик.

Шолохов кўрсатув давомида беадаб, сурбет одам ролини ўйнаб, суҳбатдошини “шок”га ташлайдиган иғвонамо саволлар беради. Масалан,

¹³ Свитич Л.Г. Профессия: журналист. М., Аспект пресс. 2003. С. 77

Англияда бўлиб ўтган фестивалда машҳур санъат усталарининг бирдан интервью олаётганда, у қуйидагича савол берганди: “сизга бош қаҳрамонингиз жисмонан заиф бўлиб туюлмаяптими, балки бу ўзингизнинг муаммоингиздир?”. Бунчалик сурбет саволни мутлақо кутмаган суҳбатдош – таниқли режиссер, тилдан қолай деди. Бироздан сўнг, ўзига келгач эса, ўзининг бенуксонлигини исботлашга киришди. Бу эса ғайриоддий гапларни истаган журналист учун айтиш муддао эди. Бошловчининг мулоқот услуби айнан истехзога қурилган бўлиб, Шолоховнинг аудиовизуал матнлари унга жуда мос келади. Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, баъзи ҳолларда бошловчининг “истехзоси” очик-ойдин қўполликка айланиб кетади.

Ушбу кўрсатувдан фаркли ўлароқ, “Матадор” дастури умуман истехзодан холи, дастур томошабинларга ўзига хос маданият эталонини таклиф қилади. Бу маданият бир умр камбағал бўлиб, бирдан бойиб кетган “янги русларнинг” феъл-атворини акс эттиради гўё. Шуниси эътиборлики, экспертлар томонидан ўтказилган сўровларга кўра, “Матадор”да яратилган образ айнан катта ёшдаги инсонларга маъқул келган. Бунда уларнинг бошловчига хос жиддийлик, хушмуомалалик, одоблилик айниқса жалб этган. Ҳар икки ҳолда ҳам журналистлар ўзлари танлаган ниқоб, аниқроғи, имиджни намоён этишда изчиллик кўрсатдилар. Жумладан, Константин Эрнст деярли ҳеч қачон образидан чиқмайди, уни бугунда ҳам экранда ўзини йўқотган, қувонган ёки аччиқланган ҳолда кўрмайсиз. Ҳатто 1995 йили Константин Эрнстнинг ОРТ телерадиокomпаниясида юқори маъмурий лавозимга тайинланиши ҳам ўзига хос телешоудек ташкиллаштирилганди. Аудитория ўзининг суюкли бошловчиси билан бутун бошли умрни бирга кечириши, унинг муваффақиятларидан қувониши керак эди-да.

Айтилганлардан келиб чиқиб, бошловчи (коммуникатор) имиджининг тўртта асосий функциясини ажратиш мумкин:

- номинатив функция (ўзи ҳақида эълон қилиш ва ўзига ўхшашлар орасидан қандай қилиб бўлсада ажралиб туриш);

- эстетик (ўзининг аудитория олдида пайдо бўлишидан олинган таассуротни яхшилаш, меъёр ва бадий дид ҳисси борлигини намоён қилиш);
- психологик (эътиборни коммуникатор харизмасида жамлаш);
- манзилли функция (коммуникторни мақсадли аудитория билан боғлайди).

Ушбу тўрт функциянинг ҳаммаси ҳам бир муваффақиятли фаолият юритаётган журналист ишида ўзининг кўргазмали шаклларига эга бўлади. Сўровдан ўтказилган журналистларнинг фикрича, айнан психологик функция имиджнинг бошқа вазифаларидан устун туради.

Психолог Вильям Жемс шахснинг мистик ҳолатларини сўз билан таърифлаб бўлмас, интуитив ҳолатлар дея таърифлаган эди. Кўпинча интуитивлик харизматик типдаги коммуникаторга маълумотларни қидиришнинг тўғри йўналишларини белгилаб беради; қолган барча сифатлар – унинг кейинги трансформациясига (ўзгаришига) доир йўналишлар бўлиб хизмат қилади, яъни мазмунан иккиламчи бўлади.

Имижнинг таркибий қисми бўлган ташқи жозиба (ёқимтойликнинг) асосий омилларидан бири сифатида мутахассислар қуйидагиларни ажратиб кўрсатадилар.

- соғлом кўриниш. Бу – телебошловчининг ташқаридан қараганда ёқимтой бўлган образининг биринчи энг муҳим хусусиятидир. Унинг ташқи кўриниши саломатлик ва оптимизмдан дарак бериб туриши керак. Чунки соғлом одамлар айниқса меҳнатга лаёқатли бўлиб, ижодга мойил бўладилар.
- Инсон чехраси (юзидаги) чизгилар уйғунлиги. Бу хусусият барча телебошловчилар учун муҳим, айниқса информацион дастур ва янгиликлар бошловчиларига. Чунки бунда сухандон бир жойда деярли қимирламай ўтиради ва шу боис томошабинларнинг эътибори унинг юзига қаратилган бўлади. Муаллифлик кўрсатувлари, шоу-дастурлар

ва бошқа кўрсатувларнинг бошловчиларига келсак, бунда асосий шарт - бошловчи юзида яққол кўриниб турган нуқсонлар бўлмаслиги керак.

- Хушбичим ва пропорционал қомат. Бу – телебошловчи ишига доир исталган, лекин шарт бўлмаган қоида.
- Оқ, бир текисдаги соғлом тишлар. Агар телебошловчининг милклари касал, тишлари эса соғлом бўлмаса, бу албатта экранда яққол кўриниб туради, аниқса йирик пландаги кўрсатувларда. Оппок, текис тишлар телебошловчига чиройли табассум қилиш имконини беради.
- Ёқимли янғровчи овоз. Вокал – бу телебошловчининг бош вербал (оғзаки) воситасидир. Телебошловчи овози ёқимли оҳангда илиқ янграб туриши керак. Шунинг доимо эсда тутиш керакки, одамлар унинг овозига хос оҳанг ўзгаришларини жуда яхши сезадилар, овоз орқали нутқ сўзлаётган киши шахсиятига баҳо берадилар. Телебошловчининг ифодали нутқи аниқ талаффуз ва махсус “қўйилган” нафас олишдан иборат бўлиши керак. Бунда ҳар бир айтилган гапнинг “эга – кесими жойида бўлиши керак”, яъни оғзаки нутқ ҳам она тилимизнинг барча меъёрларига мос келиши лозим.
- Қўл ҳаракатларининг ифодали бўлиши. Қўл ҳаракатлари бу телебошловчининг зарур коммуникатив “асбоби” бўлиб, унинг ўзига хос техникасини мукамал эгаллаш – профессионал бошловчи ишига қўйиладиган асосий талаблардан биридир. Телевидениенинг ўзига хос хусусиятлари телебошловчи ишида қўл ҳаракатларидан фойдаланишнинг ўзига хос услубини тақазо этади. Қўл ҳаракатларидан фойдаланишда асосийси – бу нутқни овозсиз ва образли равишда бойитишдир. Шу боис томошабинлар эътиборини ҳаддан ташқари кўп ҳаракатлар билан чалғитишдан эҳтиёт бўлиш керак.
- Самимийлик. Бу хусусият телевизион мулоқот учун жуда муҳимдир. Бошловчи ўзи экрандан туриб ҳикоя қилаётган нарсаларга самимий

муносабатда эканлигини кўрсатиб туриши керак. У ўз суҳбатдошига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши, унинг фикр – мулоҳазалари, хис-туйғуларига нисбатан эҳтиром кўрсатиши керак. Юқорида санаб ўтилган барча омиллар ҳар доим ҳам замонавий телебошловчилар томонидан эътибор билан қабул қилинавермайди.

Масалан, агар буни Россия телевидениеси мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, кўпчилик қизиқиб томоша қиладиган “Малахов+” дастурининг бошловчиси мамлакат жанубига хос бўлган шеваси ва талаффузи унча тиниқ бўлмаганига қарамай, унинг кўрсатуви анча машҳур, чунки дастур бошловчиси - ўз соҳасининг мутахассиси ва эфирда кўтарилаётган муаммолар ечимидан яхши хабардор. Шу туфайли ҳам дастур ўз аудиторияси ва машҳурликка эга.

Бундай бошловчи-мутахассислар орасида “Здоровье” дастурининг бошловчиси Елена Малишева ҳам ажралиб туради. У аввал тиббиёт соҳасида ишлаб, журналистикага мутлақо алоқаси бўлмаган. Бир куни у ўзининг туғилиб ўсган шаҳрида саломатлик ҳақида дастур тайёрлайди, ва у муваффақият қозонгач, Малишевани мамлакат пойтахтига таклиф қиладилар. Москвага кўчиб келиб, янги дастурни йўлга қўйиб олгач, у Биринчи канал раҳбариятига мурожаат қилиб, каналнинг барча таниқли бошловчилари ҳар йили халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кунида болалар уйлари, шифохоналар ва мактаб-интернатларга боришини таклиф қилди. Мана шу мисол киши шахси, унинг инсонларга хизмат қилиш истагига кўп нарса боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Агар юқорида айтилганларни Ўзбекистон Миллий телерадиокomпанияси мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, ҳозирда фаолият юритаётган ахборот дастурлари телебошловчиларидан Саида Давлетова, Фарҳод Маҳмудов, Собир Турдиев, Лола Зуннунова қабиларда ижодкорлик қобилияти яққол намоён бўлади. Санаб ўтилган мазкур бошловчилар, ҳеч шубҳасиз, ўз имиджига алоҳида эътибор қаратадилар. Зеро, имиж – бу бошловчининг “ташриф қоғозидир”. А.В. Петровский ва М.Г. Ярошевский таҳрири

остигади қисқа психологик луғатида имижда “аниқ бир объектнинг омма онгида мавжуд стереотиплашган тимсоли. Одатда имидж тушунчаси муайян инсонга доир бўлади, бироқ яна бирор товар, ташкилот, касб ва бошқаларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин” дея таъриф берилган.¹⁴Имидж рейтинг, таниқлилик, обрў каби тушунчалар билан бир каторда туради. Имижнинг таъсири таасурот деб аталмиш омил устига курилади. Бу аввало эмоционал кўзғалиш, хис-туйғулар даражасидаги таассуротдир. Кейинчалик имижда баҳоловчи ёндашув қўлланилади, яъни илк таасурот тушунчалар ва тассавурлар даражасида мустаҳкамланиши керак бўлади.

Жонатан Свифт таъкидлаганидек, омма кўз ўнгида “яраклаб туриш” ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди, бироқ одамларнинг кўпчилиги ёқимтой, жозибадор бўлиши мумкин. Телебошловчининг ўз профессионал фаолиятида муваффақиятга эришишга интилиши замирида шахсий жозибасига, яъни ўзига торта олишига ишонч мужассам бўлиши керак, яъни бошловчи айнан шахсий ёқимтойлигидан моҳирона фойдалана олиши керак. Шахсий жозоба (обаяние) тушунчасига яқин бўлган тушунчалар: аттракция ва харизманинг мазмун-моҳиятига тўхталсак.

Илмий ёндашувга кўра, “жозоба” (ёқимтойлик), “аттракция” ва “харизма” тушунчаларининг мазмуни кўп жиҳатдан бир бирига яқин. Уларнинг барчаси инсон образининг шаклланиши, одамларнинг у тўғрисидаги тасаввурларининг вужудга келиши билан боғлиқ шахсий тавсифларни акс эттиради. Бироқ, мазкур тушунчалар моҳияти қисман мутаносиб бўлсада, ўзига хос фарқларга ҳам эга. Жумладан, аттракциянинг (дилбарлик, истараси исикликнинг) асосий хусусияти атрофдагилар эътиборини жалб қилишдан иборат. Шахсий жозоба эса умуман кен маъноли тушунча бўлиб, нафақат образнинг дилбарлигини, балки коммуникатор томонидан қабул қилувчи субъектга кўрсатилаётган таъсирни ҳам ўз ичига олади. Харизманинг жозибадан фарқи шундаки, у, биринчидан, инсонга хос кучли оҳанграбони

¹⁴ Краткий психологический словарь /под.ред:А.В. Петровского, М.Г. Ярошевского М., 2001

билдиради, қолаверса бу тушунча кўпроқ кучли етакчи шахсларга нисбатан кўлланилади. Харизматик етакчилар шахсий жозибага ҳам эга бўладилар, бироқ бу уларнинг бош тавсифи бўлмайди. Харизматик шахс, жозибатор инсондан фаркли ўлароқ нафақат ижобий, балки салбий таъсир ҳам кўрсата олади. Муаллифнинг фикрича, жозиба тушунчаси ҳам харизма таркибига киради.

Умуман, шахсий жозиба (ёқимтойлик) – шахснинг интеграл хусусияти бўлиб, бизнинг кундалик тасаввурларимизда акс этган тавсифларнинг муайян уйғунлигини мужассам этади ва жозибатор инсоннинг коммуникатив ўзаро таъсир иштирокчиларига ижобий таъсир кучини оширади.

Ҳар бир инсон турли шахсий тавсифларга эга, бироқ жозибатор инсонлар тоифасига ҳаммани ҳам киритиш мумкин эмас. Бу нарсa шу билан изоҳланадики, жозибатор инсонда шахсий тавсифлар маълум бир нисбатда мавжуд бўлади.

Шу ўринда “ижодкор шахс” тушунчасига тўхталиб ўтсак. Ижодкор шахс бу: “ижодни ҳаётининг мазмуни деб биладиган, бунёдкорликка интилиб яшайдиган қобилиятли шахси, у ўз шахсиятини ижод орқали намоён қилган ҳолда эзгуликка, оламнинг янада яхшироқ бўлишига хизмат қилади”¹⁵.

Ижодкор инсоннинг доимо аввал бўлмаган янгиликни ўйлаб топиши осон кечади. Бу айниқса телевизион журналистикага тааллуқлидир. Ижодкор инсон бўлган телебошловчи доимо томошабинни қизиқтириб, уни экранга “михлаб” олади. Зеро, ижод – бу бошловчилик жараёнининг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

Айтиш жоизки, бошловчининг индивидуал фазилатларидан ташқари, унинг жинси ҳам аудитория томонидан қандай қабул қилинишини белгилар экан.¹⁶ Жумладан, аёл коммуникатор аудитория учун аввало қуйидагича тафсифланади:

- доимий равишда атрофдаги оламни ўрганиб боради;

¹⁵ Олешко В.Ф. Журналистика как творчество. Уч. Пособие. М., Рип Холдинг 2003. С. 88

¹⁶ Олешко В.Ф. Журналистика как творчество. Уч. Пособие. М., Рип Холдинг 2003. С 94

- бирор соҳада обрў қозонган, нуфузли инсонларни тан олмайди;
- қарорларни осон қабул қилади;
- интуицияси (ички сезгисига) таянади;
- ғайриоддий нарсаларни эътибордан қочирмайди;
- эмоциялар (ҳис-туйғуларга) берилувчан бўлади;
- қизиқмаган нарсасига эътиборини жамлай олмайди;
- журналистлик асарларида, одатда, эмоционал томон рационал томондан устун туради;
- коммуникаторларнинг ушбу турига қуйидаги ижодий усулларни қўллаш хосдир: улар эмоционал босим ўтказиш илинжида аудиторияга таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш ; “оҳ-воҳлар” орқали ўқувчи, томошабинни муайян хулоса чиқаришга йўналтириш; имо – ишоралар ва пичинглардан фойдаланиш, таҳмин шаклидаги журналист фикрини ўтказиш; хулоса ўрнига кимнингдир фикрини ишлатиш.

“Эркак коммуникатор” типи қуйидаги хусусиятлари билан характерланади:

- Ўз олдида қўйган мақсадига ишончи комил;
- Одамларга таъсир кўрсата олади;
- Ягона тўғри йўл топишга ҳаракат қилади;
- Умумлаштириш, бирор фикрни исботлашга уста бўлади;
- Рационал турдаги қарорларга суянади;
- Қийинчиликлар ижодий жараёни тоблайди, деб ҳисоблайди;
- Прагматик бўлади;
- Шахсий муносабатлар иккинчи ўринда, деб ҳисоблайди;
- Вақтни беҳуда йўқотиш ва самарасиз ишлашни хушламайди;
- Журналистик асарларда, одатда, муаллифнинг фикри ва позицияси аниқ билиниб туради, мақсад яққол кўрсатилган бўлади;
- Коммуникаторларнинг мазкур турига қуйидаги ижодий усулларни қўллаш хос бўлади: вазиятга таҳлилий баҳо берилади; кўпинча

муаллифнинг конструктив позицияси аниқ берилган бўлади; ҳужжатли далиллар кўп бўлади; баҳоловчи лексикадан кенг фойдаланилади; скептик чекинишлар кўп бўлади; одатда, фактларни баён этиш услуби муаллиф томонидан аввалдан белгиланган асар шаклига мутаносиб бўлади ва ҳоказолар.

Инсон учун жамият билан ахборот алоқаларини мустаҳкамлаш ва янгилашга бўлган эҳтиёж табиий бир ҳолдир. Бу эса журналистиканинг ОАВ аудиторияси вакиллариининг субъективлигига таъсир кўрсатиш борасида самарали услубларга йўл очиб беради. Яъни, ана шу эҳтиёждан фойдаланган ҳолда улар онгига ҳақиқий ёки сохта образларни сингдириш ва шу орқали уларнинг фикрлаш тарзи ҳамда хулқ – атворига таъсир кўрсатиш имконини беради. Демак, оммавий ахборот воситалари амалий фаолияти учун журналист имиджини шакллантиришнинг аҳамияти улкан эканлигини яна бир бор алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, юқорида айтиб ўтганимиздек, замонамиз шароитларида ОАВ аудиторияси барча турдаги коммуникаторларни (оммавий сиёсатчилар, бошловчи журналистлар ва умуман барчага танилган инсонларни) персонификациялашга мойилдир. Айтилганлардан келиб чиқиб, ОАВ фаолияти соҳасидаги имижнинг асосий тавсифларини қуйидаги уч тафсилотни ҳисобга олган ҳолда, таърифлаш мумкин:

- Биринчидан, коммуникатор имиж доимо объектга нисбатан соддалаштирилган бўлади;
- Иккинчидан, ушбу имиж аудитория онгида мустақил ҳаёт билан яшайди, демак, динамик хусусиятга эга ва ўзгариб туриши мумкин;
- Учинчидан, у реал ва исталган нарса, қабул қилиш ва тасаввур қилиш орасида бўлади.

Имижни шакллантириш жараёнини эса бир неча босқичга бўлиш мумкин:

- Журналист биринчи навбатда ишлашни хоҳлаган **мақсадли гуруҳларни аниқлаш**;

- Индивидуал коммуникатор ишлашни истаган тахминий аудиториянинг одат ва кўникмаларини (ҳеч бўлмаганда эмпирик нуқтаи назардан) ўрганиш. Яъни, у шакллантирмоқчи бўлган образ реал ва потенциал аудиториянинг талабларига жавоб бериши керак.
- ОАВ амалиёти шуни кўрсатадики, “таъсирчан” имижнинг учта таркибий қисмини ажратиб кўрсатиш мумкин:
 - ўз аудиторияси «тилида» сўзлаша билиш қобилияти;
 - бугунги кунда ушбу аудиторияни нима қизиқтиришини яхши билиш;
 - ўткир ақл – идрок ва юмор хисси.
- Журналист томонидан коммуникаторнинг “ижтимоий роли” деб номланмиш тўғри типаж танлай олиши;
- Журналист шахсига эътибор қаратиш. Психологлар бу борада айтганларидек, биз оғзимизни очишдан аввал аудитория билан сўзлаша бошлаймиз. Демак, ташқи кўриниш, ўзини тутиш услуби ва яна бошқа кўплаб омиллар коммуникатив мулоқотнинг илк лаҳзалариданок коммуникатор ва коммуникантнинг ўзаро муносабатларини истиқболларини белгилайди.
- Вербал (оғзаки тутқга асосланган) қатор – журналист нимани ва қандай тушунтиряпти, қанчалик ишончли гапиряпти.
- Ўз аудиториясида ишонч уйғотиш хусусияти. Бунда журналистнинг шахсий хусусиятлари, касб маҳорати, билимдонлиги жуда қўл келади.
- Энг асосий босқич: журналист (бошловчи коммуникатор) ўзи учун ўзи ёки профессионал имижмейкерлар ёрдамида қуйидаги тўртта оддий саволга жавоб бериши керак:

Профессионал сифатида мен нималарга эришмоқчиман?

Мен нима қила оламан (табиатан менга қандай хусусиятлар хос)?

Мен бугун шахс сифатида кимман (тарбия, маълумот даражаси)?

Натижага эришиш учун мен нима қила оламан?

Бундан хулоса шуки, журналист имижини фақат ҳаракатда шакллантириш мумкин. Бунда унинг ютуқли хусусиятларига урғу берилиб, салбийроқ жиҳатлари яширилади ёки бошқача, қулайроқ талқинда етказилади.

“Бутун дунё – театр, ундаги одамлар эса - актерлар”. Шекспир таржимони томонидан топилган мана шу образ психологлар томонидан шахслараро мулоқот ташкил этиш тамойилларини тушунтириш учун шунчалик кўп ишлатиладики, бу ҳолда юзага келадиган мантикий зиддиятга унчалик эътибор берилмайди. Шахслараро коммуникация актлари чоғида субъектлар доимий равишда ролларини алмаштириб турадилар. Бунда “томошабинлар” ҳам бўлишлари мумкин. Улар, одатда, тасодифий одамлардир. Бироқ, оммавий коммуникациялар дунёсини, ҳеч муболағасиз, театрга ўхшатиш мумкин. Чунки, ОАВда ишлайдиган инсонлар ўз қобилиятларига таянган ҳолда кўпда айнан актерлик функцияларини бажарадилар.

Қобилиятлар ҳақида сўз юритар эканмиз, ижодкор шахс хусусиятларини айтиб ўтишимиз керак. Бу мавзуда анчагина қизиқарли тадқиқотлар мавжуд. Масалан, Америкалик психологлар М. Парлоф ва Л. Даттларнинг тадқиқот натижаларига кўра, ижодкор шахсни бир қатор хусусиятлар ажратиб туради. Булар орасида ривожланган индивидуаллик туйғуси, реакциянинг спонтанлиги, эмоционал ҳаракатчанлик, ўзига бўлган мустаҳкам ишонч, мустақиллик, интилувчанлик, ностандартлик, ўзини яхши назорат қила билиш, ўзини ишлашга мажбур қила билиш, қўйилган мақсадга эришишга эҳтиёж. Буларсиз ҳатто жуда истеъдодли инсон ҳам муваффақиятга эриша олмаслиги мумкин.

Валерий Аграновский ўзининг “Бир сўз учун” китобида шундай деб ёзади: “Ҳар қандай ижодий касб, шу жумладан бизнинг ҳам касбимиз асосида табиатан мавжуд бўлган истеъдод мужассамки, унинг йўқлигини фақат машаққатли меҳнат ва ишга бўлган чексиз муҳаббат билан тўлдиришигина мумкин. Лекин буларсиз, технологияларни минг яхши билсангиз ҳам, ҳеч нимага эриша олмайсиз”¹⁷. Яъни, журналистика, хусусан, бошловчилик учун

¹⁷ Аграновский В.А. Ради единого слова. М., 1978. С 101

табиатан инсонда мавжуд истеъдоддан ташқари, меҳнатсеварлик, интилувчанлик ва албатта касбга хос барча сир-синоатлар (технологияларни) билиш керак ҳамда тинимсиз ўз устида ишлаш лозим бўлади.

Умуман, бошловчи-журналистларнинг профессионал сифатлари борасида бир хулосага келишдан аввал, журналистларнинг ўзи бу ҳақида нималар дея олишини билган маъқул. Қуйида рўйхатда таниқли журналистларнинг фикр мулоҳазалари келтирилган бўлиб, улар Григорий Сагалнинг “Йигирма бешта интервью”, “XX - аср журналистлари: инсонлар ва тақдирлар” китобларида, бошқа мақола ва интернетдаги материаллардан олинган.

Владимир Познер: “Профессионал бошловчи бўлиш учун, албатта, билимдон бўлиш керак. Бизгача сиз билан биздан анча ақллироқ бўлган одамлар яшаб ўтганлар, шундай экан, улар қолдирган бебаҳо меъросни ўрганишимиз лозим. Профессионал маҳоратга келсак, у аввало мулоқот қила билиш, сўзлашиш, суҳбатдошни диққат билан тинглаш каби хусусиятларни ўз ичига олади. Агар сиз буларнинг барчасига эга бўлсангиз, унда узоққа борасиз. Аслида, ҳар биримиз нима билан шуғулланмайлик, асосийси - ҳалол инсон бўлиб қолиш. Ахир ҳар бир инсон кўнглида нима яхши-ю, нима ёмонлигини яхши билади-да”.

Жанна Агалакова Владимир Познер ҳақида: “У жуда кучли ақлий қобилият эгаси, профессионал ва юз фоизли жентельмен. Бундай фазилатларни доим ҳам бир кишида учратавермайсиз”.

Леонид Парфенов: “ Ақл-идрок, юмор ҳисси, ёқимтойлик, меҳнатсеварлик, кенг маънодаги услуб ҳиссиёти”.

Валерий Аграновский: “Бошловчи доимо ҳайратга туша билиши, аудитория билан мулоқотда жуда самимий бўлиши лозим”.

Шундай қилиб, бу ва бошқа мулоҳазаларни умумлаштирар эканмиз, мутахассислар томонидан журналистлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларидан фойдаланган ҳолда, бошловчи – журналистнинг асосий профессионал сифатларини санаб ўтишимиз мумкин.

Бу аввало, истеъдод, касбига бўлган муҳаббат ва ишчанликдир. Қолаверса, бошловчи кенг доирада таълим олган, юксак маънавият ва маданиятли инсон бўлиши лозим. Унинг эрудицияси, ўзи ёритаётган соҳани яхши билиши яққол кўзга ташланиб туриши керак. Буларга яна доимий қизиқувчанлик, ўз билим ва малакасини мунтазам равишда тўлдириб боришга интилиш каби хусусиятларни ҳам киритиш мумкин.

Албатта, тез ва чаққон ишлай билиш, ҳаракатчан бўлиш ҳам муҳимдир. Яна мослашувчанлик, ҳар қандай вазиятда ишлай олиш, топқирлик, реакция тезлиги ва жасорат, таваккал қила билиш, ташаббускорлик, стрессларга чидамлилиқ каби фазилатлар ҳам муҳим аҳамиятлидир.

Бошловчини киришимлилиқ, одамлар билан мулоқот қила билиш, уларнинг эҳтиёж ва қизиқишларини тушуниш, эмпатия (бошқа одамнинг эҳтиёжи ва кайфиятини тушуниш, унга ҳамдард бўла олиш қобилияти) кабиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Кузатувчанлик, ҳайратлана билиш, холислиқ, интуиция кучи ҳам бошловчига хос муҳим хусусиятлардир.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосага келишимиз мумкин. Телебошловчи касби инсондан кўплаб мезон ва омилларга мос келишни талаб қилади. Ҳар бир канал учун қадрли бўлган муваффақиятли ва таниқли телебошловчи бўлиш учун шунчаки журналистика факультетини аъло баҳоларга тамомлаган яхши журналист бўлишнинг ўзи камлик қилади. Аввало, мулоқотга тез ва осон киришувчан, очиқ инсон бўлиш, кўпчилиқ орасида ўзини тута билиш, омма эътиборини ўзига “михлаб” олишни эплаш, доимо кўтаринки кайфиятини сақлай билиш керак. Агар телебошловчи мана шу фазилатларга қўшимча равишда яна ҳазилкашлиқ, ижодкорлик ва эмоционаллик каби хислатларга ҳам эга бўлса, унда унинг муваффақият қозониши тайин.

2.2. Турли жанр ва йўналишдаги кўрсатувлар бошловчиларига қўйиладиган талаблар, уларнинг фарқи

Телевидение – бу шундай бир оммавий ахборот воситасидирки, унинг ёрдамида мамлакатдаги вазиятга, одамларнинг қарашларига таъсир кўрсатиш, у ёки бу ғояларни тарғиб қилиш ва одамларга ахборот етказиш мумкиндир. Ўзбекистон телевидениеси, хусан, “Ёшлар” телеканалида маълум бир йўналишли турли туман дастурлар кўплаб тайёрланади. Улар орасида турли туман ток – шоу, реалити – шоулар ҳам бор. Телевидениенинг муҳим хусусияти – телевизион мулоқотнинг шахсий, самимий ва ишончли характерга эга эканлигидан иборатдир. Яъни, бунда бошловчи гўёки миллионлаб томошабинлар билан эмас, балки фақат биз билан бирга-бир мулоқотда бўладигандек. Телевидение турли ёшдаги инсонлар руҳиятига таъсир этувчи, уларнинг дунёқарашини шакллантирувчи кудратли мулоқот омилидир. Оммавий аудитория, потенциал телетомошабин ва ахборот истеъмолчилари билан телевизион мулоқот телебошловчи шахси асосида курилади. Томошабин, у ёки бу дастурни кўрар экан онгли ёки онгсиз равишда ўзини телебошловчига қиёслайди, у етказган маълумотларни шахсийлаштиради. Ватанимиз телевидениесининг биринчи бошловчиларидан бири бўлган Галина Мельникованинг фикрига кўра, суҳандон – бу шунчаки микрофон олдида матн ўқиётган одамгина эмас, балки томошабинга ақлли ва самимий суҳбат орқали таъсир кўрсатишга ҳаракат қилувчи шахсдир.¹⁸

Биз барчамиз шуни яхши тушунамизки, телебошловчига уни тинглаб, томоша қилаётган аудитория олдида катта масъулият юкланади. У айтган барча сўзлар телетомошабинларнинг ақл ва онгига таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда телебошловчи образига, унинг харизмаси ва таниқлилига катта эътибор қаратилади. Муваффақиятли телевизион дастурнинг барча таркибий қисмлари (жанр жиҳатдан турли-туманлик, ҳатто

¹⁸ “Bella terra” журналида берилган интервьюдан, 2001 йил, №5

энг ғаройиб лойихаларни ҳам амалга ошира олиш имконияти, ифода воситаларининг кўплиги, студияни безашдаги ностандарт ёндашув) қатори, аудиториянинг қизиқишини чақиришга қодир асосий омил – бошловчи шахси бўлиб қолади. Бугунги кунда Ўзбекистон телевидениесида, мана шу хусусиятларга эга бўлган бир нечта бошловчилар борки, уларнинг фазилатлари телетомошабинларни айнан шу бошловчилар экранда кўринган пайтда телевизорни ёқишга мажбур қилади. У ёки бу лойиҳа муваффақиятли бўлиши айнан бошловчининг шахсига боғлиқ эканлиги ҳам шундан. Кинорежиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг фикрига кўра, бугунги кунда бошловчига нисбатан кўплаб профессионал талаблар қўйиладики, булар орасида информацион маҳсулотни яхши билиш, ўз шахсий фикрига эга бўлиш, камера олдида ўзини тута билиш ва аудитория билан контактга киришиш кабилар айниқса муҳим¹⁹.

Замонавий телемаҳсулот тайёрлашда бошловчининг ўрни ҳақида гап кетар экан, ушбу масалани янада чуқурроқ тадқиқ қилишда бир жиҳатга эътибор қилишимиз керак. Яъни, жанр жиҳатдан хилма-хил теледастурларни икки асосий тоифа – информацион ва кўнгилочар кўрсатувларга бўлиб, улардаги бошловчининг ўрнини бир бирида фарқлаб кўриб чиқишимиз керак. Жумладан, информацион дастурлар ҳар қандай телеканал, шу жумладан “Ёшлар”да ҳам доимо биринчи ўринда туради. Чунки, юқорида айтиб ўтганимиздек, бугунги кунда янгилик дастурлари экранда эътиборни жалб қилувчи асосий омилга айланган. Шу боисдан ҳам информацион дастурларда бошловчининг ўрни ҳақида сўз юритганимизда, аввало “Давр” дастури бошловчиларига алоҳида тўхталиб ўтишимиз жоиз. Ахборот дастурларида энг муҳим ўрин тутувчи шахс- бошловчи эканлиги шубҳасиз. Телевизион дастурда репортер ёки муҳаррир сифатида иш бошлаган журналист, вақти келиб бундай дастурнинг бошловчиси бўлишдек юксак муваффақиятга эришиши мумкин. Ушбу лавозимнинг нуфузи эса ҳар куни телеэкранда энг

¹⁹ “Жаннатмакон”, 2003 йил, №4

муҳим янгиликлар билан пайдо бўлишдек ноёб имконият билан таъминланади.

Зукко театр танқидчиларидан бири А. Свободин айтганидек “Телевизион бошловчи бўлиш учун, шахсинг қандайдир бир алоҳида хусусиятларга эга бўлиши керак эмас, балки аксинча, қандайдир хусусиятлардан ҳоли бўлиш зурур, чунки телеэкран ана шу керакмас жиҳатларни очиб ташлайди”²⁰.

Янгиликлар бошловчиси ушбу ролда ўз фикрини билдириб, томошабинларга “ақл ўргатиш” учун дикторнинг ўрнини босган эмас. Моҳиятан, журналист диктор қилган ишни бажаради, яъни телесуфлерда берилаётган сатрларни ўкиб беради. Бироқ томошабинда ўзи ўқиётган нарсани яхши тушунаётгандек таассурот уйғотади.

Ҳозир бор-йўғи бир хотира бўлиб қолган совет даврида умуман телевидение ва хусусан, информацион дастурлар партия ва ҳукуматга хизмат қилар эди. Шу боис бўлса керак, суҳандонлар, ҳатто жуда ёқимтой бўлса ҳам, ҳукумат аъзоларидек қабул қилинади. Чунки уларнинг кўринишлари шу қадар расмий ва бошлиқларга хос бўларди-да! Қайта қуриш даври шу каби ақидаларни йўққа чиқарди. Информацион дастур бошловчиси бир зумда диктордан ваъзхон, инқилобчи ва фош этувчига айланди - қолди. Кечаги репортер ва муҳаррирлар оддий фуқаронинг онгини бошқара бошладилар. Ўша пайтларда, тўғрироғи мустақилликнинг илк йилларида экранда жилоланган илк юлдузлардан бири “Ахборот” дастури бошловчиси Саида Давлетова. Шахсан мен учун бу аёл - янгиликлар бошловчисининг идеал тимсолидир. Бироқ, у киши ҳозир экранда камроқ кўринаётганлиги учун, мен Шаҳноза Усмоновани ҳам мисол қилиб кўрсатаман.

Албатта, ҳар иккала юлдуз ҳам янгиликларни етказишга турлича ёндошадилар. Саида Давлетова янгиликларни “юмшоқроқ” тарзда етказди. У кўпроқ оптимист сифатида ишига ёндошади. У янгиликларни ҳақиқатдан ҳам моҳирона олиб боради. Албатта, томошабинлар, айниқса аёллар биринчи навбатда бошловчининг ташқи кўринишига баҳо берадилар. Бу омил

²⁰ Л.Г. Свитич “Профессия: журналист”М., “Аспект пресс” 2003, с.155

бошловчидан олинган биринчи таассуротни белгилаб беради. Саида Давлетова экранда бенуксон кўринади. Доимо ораста пардоз, соч турмаги билан ажралиб, ҳақиқий зиёли аёл киёфасида намоён бўларди. Тўғри танланган либос ва камтар безаклари томошабинга доимо хуш келади. Унинг ёқимтойлиги ҳатто энг фожеали воқеаларни ҳам унча кўрқинчимасдек кўрсатарди, гўё.

Анча ёш ва ғайратли аёл Шаҳноза Усмоновани “Ёшлар” каналидаги биринчи рақамли информацион бошловчи, деб атасак бўлади. Унинг тимсоли, менимча, канал тимсолига жуда мутаносибдир. Шундай бўлсада, уни барча томошабинлар бирдек маъқул кўрадилар, дея олмаймиз. Мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга биров совуққонлик билан муносабатда бўлиши ва ҳаётда катта муваффақиятга эришган инсонга хос “ўзига тўқлик” баъзан билиниб қолади ва у экрандан туриб мулоқотда бўлаётган айрим томошабинларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Четдан қараганда у “темир хотин”га ўхшаб кўриниши мумкин. Бироқ бу алдамчи таассурот. Шаҳноза Усмонованинг кўзларига боқсангиз, у ўз томошабини билан бирга мамлакат тақдири учун қайғураётгани яққол кўриниб туради. Кўзлар - бу қалб ойнаси. Маълумки, кўзлар ёлғон гапиролмайди. Шаҳноза экранда Станиславский тизими бўйича бошловчи ролига кирмайди, у қандай бўлса шундайлигича қолади. Оддийлик ва табиийлик - айнан шу омил унинг асосий қуролидир. Станиславский яхши актердан залга борадиган “нурланиш”, ёғду ҳақида ёзган эди. Шаҳнозанинг чехрасидан ёғилиб турган нур уни оддий суҳандондан ажратиб туради.

Янгиликларнинг бошловчиси одатда, хурлиқо эмас, бироқ ёқимтой бир инсондир. У ўзини эркин тутди, бироқ талтайиб кетмайди. У халқчил, бироқ савияси паст эмас. У ўта ақллилар тоифасига кирмайди, бироқ барча мавзуни тушунади ва инсон сифатида хис қилади. У ўзига ишонади, бироқ манман эмас. Унинг талаффуз ва оҳанги аниқ - тиниқ. Янгиликларни бошловчининг бир ўзи тайёрламаганлигини ҳамма билади, бироқ унинг вазифаси, ана шу материалларни тўғри ва таъсирли қилиб етказишдан иборат. Бошловчи

хаммадан баланд ва ақлли эканлигини пеш қилмайди. У бор-йўғи янгиликлар бошига қўйилган ва унга барчани ошно этишга ҳаракат қилади. Умуман, тўнғич авлод бошловчиларидан бири Саида Давлетова ҳақида сўз кетганда, яна бир жихатга тўхталишимиз лозим. Кўп йиллар давомида телетомошабинлар уни “Ахборот” информацион дастури орқали яхши таниб олишган. Юқорида айтганимиздек, камера олдида турган ҳар қандай инсон худди кафтдагидек томошабин кўз ўнгида намоён бўлади. Яъни камера унинг ўзига бўлган ишончи ёки ишончсизлиги, феъл-атворининг ўзига хос жихатлари-ю, руҳшунослар тили билан айтганда, барча “комплекс”ларини очиб ташлайди. Шу нуктаи назардан Саида Давлетованинг эфир олиб боришини таҳлил қилганимизда, унинг ўзига мутлақо ишонган, шахди баланд, феълида эркакларга хос жихатлар кўпроқ бўлган аёл сифатида эътироф этиш мумкин. “Ахборот” дастурини олиб борганида, у ҳар бир томошбин хонадонига “сиз учун муҳим янгиликлар олиб келдим”, дея кириб боргандек бўларди. Унинг тақдиротида ҳатто бир маҳалла миқёсидаги кичик воқеа ҳам оламшумул аҳамиятга эга ҳодисадек аҳамият касб этарди. Бошловчи ўзини “авторитет”, яъни обрў-эътиборли, салмоқли, жамиятга таъсир этадиган бир сўз атишга мутлақо ҳақли инсон деб билиши, эфир пайтида яққол кўриниб турарди. Шу жихатдан С. Давлетова кўпгина бошловчиларга ўрнак бўлиши мумкин, албатта.

Умуман, бошловчининг юксак даражадаги профессионал маҳорати- бу унинг зиёли эканлиги, телевизион иқтидорга эгалиги, унинг эрудицияси, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кета олиш қобилияти, томошабинни унга энг ишончли ва холис маълумот берилаётганлигига ишонтиришдан иборатдир.

Информацион дастур бошловчисидан фарқли ўлароқ, кўнгилочар кўрсатувлар бошловчисининг профессионал сифатлари бироз бошқача йўналишда намоён бўлади. Хусусан, бунда бошловчи дастур тизимида уйғунлаша олиши, унинг яхлитлигини шунчаки кейинги лавҳани эълон қилиш билангина бузмаслиги лозим. Шунчаки лавҳаларни эълон қилувчи бошловчи эса кўрсатув учун мутлақо шарт бўлмаган бир ортиқча “бўғинга”

айланиб қолади. Масалан, шу каби ҳолларда телеканалда бериладиган концертларда бошловчи ўрнига ижрочини эълон қилувчи титр берилиб, лавҳалар орасидаги эмоционал отбивка бўлиб пантомима ёки бирорта мусикий пассаждан фойдаланилади. Қуйидаги мисол худди шу фикрни бошқачароқ тарзда тасдиқлайди. Жумладан, 2008 йил 31 декабрида “Ёшлар” телерадиоканалида эфирга узатилган Янги йил олди концерти телеконферансинг мутлақо янги, яъни расмий бошловчиларсиз шаклини тақдим этди. Бунда концерт иштирокчилари бир вақтнинг ўзида томоша ташкилотчилари ҳам бўлиб, залда ўтирган оммани ҳам жараёнга жалб этганлар. Артистлар импровизация йўли билан, хазиломуз номерлар орқали мана шу қувноқ томошани юзага келтирдиларки, бунда ҳатти-ҳаракатлар сахна эмас, балки кўпроқ залга кўчирилганди. Шу тариқа томошабинлар ўтирган зал телетомошабинлар хонадонлари билан бирлашиб кетгандек бўлди. Мана шу эркин бир муҳитда телетомошабинларнинг учрашув иштирокчилари билан мулоқотига доир самимий жиҳатлари намоён бўлганди. Бошқа кўплаб телеэстрада концертларидан фарқли равишда мана шу шоу-томоша ўзгача бир шакл касб этиб, бадиий ҳодисалар сафидан жой олди.

“Ёшлар” телеканалидаги кўнгилочар дастурларга тўхталадиган бўлсак, булар орасида хронометражи унча катта бўлмасада (20 дақиқа), томошабинни қизиқтирмай қўймайдиган “Айланай” кўрсатувини алоҳида эътироф этишимиз жоиз. Кўрсатув бошловчиси Гўзал Эрматова ушбу дастурга тўла мос келади десак, адашмаган бўламиз. Чунки асосан хотин-қизлардан иборат аудиторияга мўлжалланган бу кўрсатув учун мана шундай кўхликкина, шўх ва камера олдида ўзини мутлақо эркин тута оладиган, ҳар қандай томошабинни “ўзиники” қилиб “ўраб” олишга қодир ёқимтой қизбола бошловчи керак эди. У кўрсатув қаҳрамони билан биргаликда барча ўзгаришларни бошдан кечиргандек бўлади гўё. Қаҳрамон қизга чин дилдан хайриҳох бўлиб, унинг билан бирга қиз касб этган янги қиёфадан қувонади. Бошловчи барча ҳатти-ҳаракатлари билан гўё томошабинга :“мана, қаранг,

ишлов берса ҳар қандай маъдан ҳам олмосга айланиши мумкин”, дейди. Умуман, унинг ўзига яраша дид ва аёлларнинг пардоз воситалари ҳақида анча чуқур билимлар эгаси эканлиги яққол кўзга ташланиб туради. Бундан ташқари суҳбатдошлар билан муомала маданияти, ҳар қим билан тезда мулоқотга кириша билиш қобилияти, мушоҳадага мойиллик ҳам бегона эмас унга. Бир қарашда, аёллар аудиторияси учун мўлжалланган, шунчаки кўнгилочар йўналишдаги бир кўрсатув бошловчиси қандайдир бир алоҳида қобилиятларга эга бўлиши шарт эмасдек туюлсада, айнан шундай кўрсатувнинг томошабинга манзур бўлиши, уни нафақат хотин-қизлар, балки оиланинг барча аъзолари мириқиб томоша қилишларини таъминлаш учун айнан бошловчидан катта маҳорат талаб қилинади. Ҳа, айнан унинг имиджи, тўғрироғи – образи-ю, ўзига хос оҳанграбоси (харизмаси) кўрсатувнинг нафақат турли ёшдаги хотин-қизлар, балки эркеклар ва катта ёшдаги инсонлар учун ҳам қизиқарли бўлишини таъминлаган. Шу тафайли ҳам “Айланай” қисқа вақт ичида “Ёшлар” телеаудиториясининг севимли, орзиқиб кутиладиган дастурига айланди. Ваҳоланки, уни тайёрлашда қандайдир бир ўта янги ёки оламшумул бир ғоя талаб қилингани йўқ. Бу кўрсатув мисолида оддийгина кўнгилочар дастурларнинг оммабоплигини қандай таъминлаш мумкинлигини кўришимиз мумкин.

Биз ушбу илмий ишимиз мавзусини “Ёшлар” телеканали бошловчилари мисолида тадқиқ қилар эканмиз, ушбу телеканалнинг яна бир ёрқин бошловчиси Лола Зуннунова ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Агар бошловчиларни шартли равишда тоифага бўлиб кўриб чиқадиган бўлсак, Л. Зуннуновани, шубҳасиз, артист-бошловчи тоифасига киритишимиз мумкин. Дастлаб “Киномания” дастурининг бошловчиси сифатида танилган бу суҳандон кўрсатувнинг илк сонлариданоқ омма эътиборига тушди. Бунга, кўп жиҳатдан унинг таъсирчан ташқи кўриниши-ю, профессионал имиджмейкерларнинг ижод маҳсули бўлган умумий қиёфаси сабаб бўлсада, малакали бошловчига хос хусусиятларини ҳам эътироф этмай иложи йўқ. Жумладан, сценарийда “бошловчининг гапи” сифатида белгиланган ҳар бир

жумладаги асосий сўзларни талаффуз оҳанги билан ажрата билиш, томошабин эътиборини мавзудаги айрим жиҳатларга торта олиш каби қобилият ва кўникмалар шулар жумласидандир. Шу боисдан ҳам Лола Зуннунованинг бошқалардан ажралиб туриши кўрсатувнинг биринчи дақиқалариданоқ кўзга ташланади. У, шубҳасиз, ўзига хос ва бетакрор услуб соҳибаси. Ҳатто айрим томошабинлар, “Киномания” кўрсатувини кино янгиликларидан бохабар бўлишгина учун эмас, балки айнан бошловчисини кўриш учун томоша қилишларини эътироф этадилар. Шу боисдан ҳам 2008 йилда Лола Зуннунова “Йилнинг энг яхши бошловчиси” номинациясида M & TV Award мукофотиغا сазовор бўлганлигини табиий ҳол деб баҳолаш мумкин. Шундай бўлсада, бу – Лола Зуннунова буткул камчиликлардан ҳоли бошловчи, дегани эмас. Хусусан, баъзан ундаги меъёр хисси “ўтмаслашиб”, кўрсатувнинг айрим жойларида “артистликни” ошириб юбориши, баъзи ҳолларда эса унинг хатти - ҳаракатларида кибри-ҳаво сезилиб қолиши мумкин. Шу боис бўлса керак, у, гарчи кўпчиликда симпатия туйғуларини уйғотсада, айрим телетомошабинларда мутлақо салбий туйғуларни ҳам чақиради. Қандай бўлганида ҳам, уни севиш-севмасликларидан қатъий назар, Лола Зуннунова бошловчилар орасида ўз услуби, демакки, ўз ўрнига эга. Мазкур бошловчи иштирокидаги “Алло, огоҳ бўлинг!” кўрсатуви ҳам эфирга чиқа бошлади. “Киномания”дан фарқли равишда, ушбу янги дастурда Лоланинг роли фақат айрим жиҳатларга урғу бериш учун таклиф қилинган шахс сифатида чекланган, холос. Хронометражи деярли икки соат бўлган бу кўрсатувда “бошловчи” номи бор инсон атиги икки-уч маротаба кўринади. Бир томондан, буни кўрсатув концепциясининг ўзи тақазо этади, яъни унда интервью берган респондентларга катта ўрин ажратилган, айнан улар кўрсатувда “бош ролларни” ўйнайдилар. Лола Зуннуновадан бунда фақат “безак” сифатида фойдаланилган. Монтаж пайтида унинг гаплари умуман олиб ташланса ҳам, дастур моҳиятига мутлақо путур етмаслиги аниқ. Демокчиманки, ҳар бир бошловчининг ўзига яраша ижод формати бўлади. Лола Зуннунованинг формати – “Киномания”, яъни кўпроқ кўнгилочар

кўрсатувлар, таҳлилий эмас. Демак, уни ва умуман ҳар қандай бошқа бошловчини янги ижодий лойиҳаларга жалб этганда, мана шу жиҳатни ҳам инобатга олиш лозим.

Кўпгина замонавий телебошловчилар муайян дастурни суратга олиш чоғида нафақат журналистлар сифатида, балки ўз артистик қобилиятларини ишга солган ҳолда кадрда “роль ўйнашга” ҳаракат қиладилар, меҳмон ёки томошабин билан мулоқотни янада қизиқарлироқ бўлишини таъминлашга интилади. Албатта, бу нарса барчанинг ҳам қўлидан келавермайди. Буни нафақат ўзбек телеканалларида, балки Россия телевидениесида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, “Пусть говорят” (Гапираверишсин) дастурининг бошловчиси Андрей Малахов телетомошабинлар эътиборини баланд овози, турли туман қўл ҳаракатлари, тугилмасдан тез гапириши билан жалб қилади. Унинг нутқ ва ҳатти-ҳаракатларида доимо кўп ҳиссиёт ва экспрессия мавжуд. Бироқ, аудиторияни фақат шу билангина эмас, балки бошқа фазилатлар билан ҳам забт этиш мумкин. Жумладан, Россия Биринчи Каналидаги “Смак” кўрсатуви бошловчиси Иван Ургант мутлақо бошқа фазилатлардан фойдаланди. Шундай бўлсада, унинг таниқлилиқ даражаси Малаховникидан кам эмас. Иван Ургант ҳадеб қўл силтайвермайди, унча тез ҳам гапирмайди, лекин у доимо юзага келган вазиятни битта жумла билан юмшатиб юбориши мумкинки, бунда ҳатто энг инжиқ томошабин ҳам табассумдан ўзини тия олмайди. Демак, юмор ҳисси, ҳазилкашлик — телебошловчи муваффақиятининг асосий омилларидан биридир. Телетомошабинлар у ёки бу дастурни томоша қилганларида, аввало бошловчининг ташқи кўринишига, унинг кийиниш услубига, соч турмагига эътибор қаратадилар. Яъни, бу ҳолда кўриш орқали қабул қилиш қобилияти эшитиш орқали баҳолашдан устун туради. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, массмедиа фаолиятида ролли иштирокни шакллантириш (моделлаштириш) муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Буни аниқ мисолларда кўриб чиқаш учун яна халқаро тажриба, яъни Россия телеканалларига мурожаат қилайлик.

Жумладан, барчага маълум ва машҳур “Мўъжизалар майдони” (“Поле чудес”) кўрсатувининг бошловчиси Леонид Якубович аудитория онгида ижтимоий-психологик роль ижрочиси сифатида мухрланган. Бу ролни биз шартли равишда “артист” деб аташимиз мумкин. Бу каби коммуникаторлар ифодали, ёқимли ташки кўринишга эга бўладилар. Доимо дид билан кийинган, тетик кўринадилар. Ҳа, улар кўпинча бошловчининг “ролини” ўйнайдилар, бироқ буни яширмай “ўйнайдилар” ва ўз шахси эмас, балки айнан суҳбатдошига эътиборни жалб қилишга, унинг ўзига хос жиҳатларини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Масалан, Якубовичнинг ўзи яхши дикция (талаффуз) соҳиби бўлиб, унинг нутқ мароми аниқ, тушунарли гапиришга хизмат қилади. Унинг нутқи жуда ритмик талаффузга асосланган бўлиб, вазиятга қараб ўзгариб туради. Бунда бошловчи қандайдир жумла ёки сўзларни ажратиб кўрсатиш истагида бўлса, секинроқ, шошмасдан гапира бошлайди. Ўзининг “Мўъжизалар майдони” кўрсатувчида Якубович паузаларни оғзаки нутқда маълумотларни етказиш воситаси сифатида қўллайди. Паузалар пайтида у гапиришдан тўхтаб, маъноли қараш қилади. Айнан шу сонияда бошловчи ахборот узатишнинг кўплаб новербал (сўзсиз) усуллари намоёни қилади: масалан, кўзларини тепага қаратиш, кўз қисиб қўйиш, хўрсиниш ва ҳоказолар. Кўпинча кўрсатувда паузалар сафсатага ўтиб кетган суҳбатдошни тўхтатиш усули сифатида қўлланилади. Буни тўғридан-тўғри, яъни одамнинг юзига айтиш мумкин эмас, чунки суҳбатдош кўп миллионли томошабинлар кўз ўнгида обрўсизланган бўларди, қўл ҳаракатлари, мимика эса бу ўринда жуда таъсирчан ва хафа қилмайдиган восита бўлиб хизмат қилади.

“Известие” гезетасининг телевидениега бағишланган саҳифаси муаллифи, профессионал бошловчи Евгения Пишчикова журналистларнинг электрон ОАВлари фаолиятидаги ролли иштироки асосида ҳатто телевизион хушмуомалаликнинг ўзига хос формуласини таърифлаб берди: “Саломлашув ва ҳайрлашув, бу, аслини олганда, мурожаатдир. У дастур айнан қайси томошабинга йўналтирилганлигини кўрсатади. Оддийроқ қилиб айтганда,

манзилли бўлиш (ажратиш) қўйидагича бўлиши мумкин: ўртача (ўртаҳол) маълумот истеъмолчисига, оддий фуқарога, ватанпарварга, миждозга, қўнгилочар тадбирнинг доимий иштирокчисига, саводхон инсонга, жуда ақлли одамларга, мўтабар аёлларга ва ҳоказоларга”²¹.

Буёғига журналист бир қатор қизиқ деталларга аҳамият беради. Масалан, “Антропология” кўрсатуви бошловчиси Дмитрий Дибров деярли доимо совуққина саломлашиб, илиқ ҳайрлашарди. Гўёки, нотаниш кишилар гуруҳига меҳмон бўлиб келиб, бу ташриф натижасида ҳамма нарса қўнгилдагидек кечишига ишончи комил бўлмаган, бироқ ташриф охирига келиб ундан қўнгли тўлган мартабали меҳмон каби. Бунда кўрсатув ғояси билан мутаносиблик кузатилади: Дибровнинг меҳмонлари ҳар сафар бошқаларга ўхшамайдиган, оригинал кишилар бўларди – кўрсатув давомида улар ўзларининг бошқача деб ҳисобланишга ҳуқуқли эканликларини исботлашлари, ва шу таҳлид бошловчининг илиқ муносабатига лойиқ бўла олишлари керак эди.

“Однако” кўрсатуви бошловчиси Михаил Леонтьев, ўзини авом халққа томоша кўрсатувчидек тутсада, аслида ақлли томошабин кўзига қараб туради. Александр Пушной (СТС, “Галилео”) ўзини худди қутичадан сакраб чиқадиган масхарабоздек тутди-ю, қизиқарли ва шўх тарзда кўплаб маълумотларни етказа билади.

Қайд этиш жоизки, ижтимоий психологик роль эгаси сифатида ҳам коммуникаторлар, ҳам уларнинг аудиториялари ўзини намоён қилади. Ушбу роллар ҳаракат ва амалларнинг нисбатан доимий, ўзаро боғлиқ тизими билан характерланадики, ушбу тизим бошқа шахслар хатти – ҳаракатларига жавоб сифатида намоён бўлади.

Ахборотни қабул қилишнинг эмоционал томонини ОАВ аудиториясининг тизимли кўрсаткичлари сифатида таърифлаш чоғида коммуникаторларнинг бошқа ижтимоий психологик ролларини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Умумий ҳисобда 24та ролни ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан, “таҳлилчи”,

²¹ Л.Г. Свитич “Профессия: журналист”М., “Аспект пресс” 2003, С. 188

“лирик”, “арессор”, “ўзимизни йигит” ва бошқалар. Дейлик, “Итоги” дастурининг бошловчиси Евгений Киселев – ҳақиқий “таҳлилчи”. Унга юксак ақл-идрок, дунёқараши кенглиги, кўламдор фикрлаш қобилияти, ўзини тута билиш, салобатли бўла олиш каби ички шахсий хусусиятлар хосдир. Профессинал сифатлари орасида – киришимлилиқ, энергияси ва ўзига бўлган ишончини “юқтира олиш”, ўз ғояларини сингдира билиш каби хусусиятлари эътиборга лойиқ. Владимир Молчанов – “лирик”, чунки экспертлар нуқтаи назаридан унинг энг муваффақиятли чиққан кўрсатувлари айнан шу ёндашувда тайёрланган. “Пока все дома” кўрсатуви билан хонадонларга ҳар якшанба ташриф буюрадиган Тимур Кизяков типик “ўзимизни йигит”. “Роль” эгаларини ажратиб кўрсатиш шунчаки коммуникаторнинг муваффақиятли ва самарали фаолиятини прогнозлаштиришигина эмас, балки ОАВ аудиториясидаги ролларнинг аниқ эгалари билан ўзаро таъсирлашув вариантларини таҳлил қилиш имконини беради.

Телевидениедаги жанрлар хилма-хиллиги бошловчиларнинг маълум даражадаги ихтисослашувини тақазо этади. Жумладан, юқорида кўриб чиққан имиздек, информацион дастурлар бошловчилардан бир хил жиҳатлар талаб қилинса (тезкорлиқ, барча вазиятларга мослашувчанлиқ, таҳлилчилик қобилияти ва бошқ.), кўнгилочар дастурлар бошловчисидан бошқача фазилатлар (юмор ҳисси, реакция тезлиги, кучли харизма ва хоказо) талаб қилинади. Демак, айтилганлардан келиб чиқиб, телевидениенинг асосий жанрларини ҳисобга олган ҳолда, телебошловчиларни шартли равишда куйидаги турларга бўлиш мумкин:

- Репортер-бошловчи
- Шоумен-бошловчи
- Модератор-бошловчи
- Таҳлилчи-бошловчи
- Публицист- бошловчи
- Интервьюер (интервью олувчи)

Фикрлаш кенглиги ва тезлиги репортерлик ва модераторлик ихтисосларини тавсифлайди; чуқур ва танқидий фикрлай олиш таҳлилчиларга хос; образ ва эмоцияларга асосланганлик эса публицистларга хос хусусиятлардир. Жумладан, таҳлилчини ривожланган мантикий (чап томонлама) фикрлашсиз тасаввур қилиш қийин. Публицистларда образли (ўнг томонлама) фикрлаш устун бўлади. Шундай бўлсада, умуман журналистларнинг фикрлаш тури – аралаш, рационал – образли ҳисобланади.

Истеъдод ва журналистикага бўлган қобилият - психологик ва профессионал сифатлардан асосийсидир. Жумладан, таҳлилчи тадқиқотчилик қобилиятига эга бўлиши, шоумен эса актерлик, режиссерлик коммуникатив қобилиятларга, муҳарририятлар раҳбарлари ташкилотчи ва тижоратчилик хусусиятларига эга бўлишлари лозим. Шу ўринда юқорида тавсифлаганимиз – бошловчиларнинг турлари бўйича профессионал сифатларга тўхталадиган бўлсак, унда:

Репортер-бошловчи учун тезкорлик, ҳаракатчанлик, мослашувчанлик, стресс ҳолатларига чидамлилик, реакция тезлиги, бир вазифадан иккинчисига тезда ўта билиш, топқирлик, қизиқарли маълумотларни кутилмаган жойдан топа билиш, кенг ахборотларга эга бўлиш, қизиқувчанлик, жасорат кабилар хос ва муҳим бўлади.

Таҳлилчи – бошловчи учун ўз соҳасини яхши билиш, воқеликни чуқур англай олиш, алоҳида ходисаларни бошқа воқеалар билан узвийликда кўриб чиқа олиш, уларнинг мураккаб ва яхлитлигини тушуна билиш, ҳолислик, турли қараш ва ёндашувларни тўғри ёритиш, ностандарт фикрлаш, сиёсий маданият ва мунозара олиб бориш маҳорати, башорат қила олиш қобилияти аҳамиятли.

Публицист-бошловчини ёрқин индивидуаллик, ижоддаги шахсий ўзига хослик, аудитория эътиборини жалб қилиш ва уни бирон нарсага ишонтира олиш қобилятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Унга эрудиция, ёрқин намоён бўлувчи адабий қобилиятлар, образ ва метафорали нутқ, ижоддаги

индивидуаллик, ностандартлик, таҳлилий қобилиятлар, фикрлаш мустақиллиги зарур бўлади.

Телевизион ток-шоу бошловчиси, студиядаги мулоқотни ташкил этувчи модератор – бу артистик қобилиятларга эга, ёқимтой, реакция тезлиги юқори бўлган, топқир, “аравани келган жойидан олиб қочадиган” шўх инсон бўлиши керак. У бетакрор қиёфа, ёрқин индивидуалликга эга бўлиши, кўрсатувда иштирок этиш учун студияга келган инсонлар билан бемалол мулоқотга кириша олиши, ўзига ишонган ва шу билан бирга самимий бўлиши, ўзини эркин тутиши, бироқ маълум чегарадан ошмаслиги лозим. Албатта, унинг яна сўз бойлиги катта, оғзаки нутқи равон бўлиши лозим. Овози ва кўриниши ёқимли, жонли эфир олиб боришни билиши ҳам керак. Ҳиссиётли бўлиш, ҳазилкашлик, томошабин ва кўрсатув иштирокчилари билан, таъбир жоиз бўлса, “ўйинга киришиб кетиши” ҳам муҳим.

Интервьюер (интервью оловчи) киришимлилик (коммуникабеллик), суҳбатдош шахсига эътиборли бўлиш, уни гапга сола билиш, тўғри савол қўйиш, суҳбатни керакли томонга йўналтириш, ўзи ҳам қизиқарли суҳбатдош бўлиши каби фазилатларни намоён қилиши керак.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Масалан, парламент ҳаётини ёритувчи кўрсатув бошловчиси қонунчилик масалаларида билимдон бўлиши керак, мулоқотда ҳам ўта маданиятли ва хушмуомала бўлиши лозим. Оилавий кўрсатув бошловчиси эса ўз қаҳрамонларининг шахсий ҳаёти борасида ўта эҳтиёткор бўлиши керак. Жиноятчилик ёки жанговар воқеаларни ёритувчи дастур бошловчиси одатда жуда жасур, ёки ҳеч бўлмаганда шундай кўриниши лозим. Халқаро мавзудаги кўрсатув бошловчисини чет тилини билиш, ўзи ёритаётган мамлакат маданияти, иқтисодиёти, сиёсати борасида билимсиз тасаввур қилиб бўлмайди. У жуда бағрикенг ва дипломатларга хос эҳтиёткор бўлиши, ўз ватани ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар доирасидан чиқмаслиги, ватанпарварлик ҳиссини йўқотмаслиги лозим.

Хуллас, юқоридаги ихтисосликлардан ҳар бири маълум бир сифатлар уйғунлигини талаб қилади. Шундай экан, бошловчи бўлишни ният қилган ҳар бир ёш ўзининг индивидуал хусусиятларига қараб ихтисослашув танлаши, энг асосийси – тинмай ўз устида ишлаши, маънавий камолотга интилиши даркор.

2.3. Ахборот кўрсатувларининг замонавий бошловчилари маҳорати

Ахборот дастурлари бу аввало янгиликларни етказувчи кўрсатувлардир. Ҳар қандай янгиликлар эса икки асосий қисм – кадрдаги бошловчи ва журналистларнинг лавҳа ҳамда репортажларидан таркиб топади. Янгиликни, масалан, пиширикқа таққослаш мумкин, бунда барча лавҳалар пирог ичидаги қийма бўлса, бошловчи – хамирдир. Бунда асосий вазифа – хамир ва қиймани шундай тақсимлаш керакки, пиширик мазали чиксин.

Телевизион камера бошловчининг барча хусусиятларини очиб ташлайди. Иззатталаблик, субъективизм, муайян масалани яхши билмаслик дарҳол кўзга ташланади, айниқса жонли эфир пайтида. Ахборот дастури бошловчиси кўрсатувда алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг вазифаси-янгиликларни ҳолис етказиш, ҳатто кўнгилсиз хабарларни ҳам гўёки ҳар қандай вазиятда умид бордек кўрсатишдан иборат. Бошловчи ишида асосий жиҳат – воқеалар ҳақида тушунарли, аниқ, ҳолис сўзлаб беришдир.

Кўпгина журналистларнинг фикрича, томошабинлар янгиликларнинг сифати ҳақида биргина кўрсатув мазмунига қараб фикр юритадилар. Амалда эса ижтимоий фикр сўровлари шуни кўрсатадики, томошабинлар учун аввало бошловчининг шахси ва ташқи кўриниши муҳим экан. Инглизча “диктор” сўзининг асл маъноси – “лангар” бўлиб, унинг маъноси ушбу иш моҳиятини акс эттиради, яъни янгиликлар сони учун фундамент бўлиб хизмат қилиш деганидир. Томошабинлар севган бошловчининг таниш чехраси умуман янгиликларга нисбатан ишонч уйғотади. Бошловчи ҳар қандай телекомпания “ташриф қоғози” бўлиб, унга оммавий имиджни шакллантириш ва молиявий муваффақиятни таъминлашга ёрдам беради.

Ахборот дастурлари телебошловчисининг ташқи кўриниши ва овози жуда муҳим, ундан ташқари у албатта журналистик фаолият тажрибасига эга бўлиши лозим. Масалан, Ўзбекистон телеридиоканали Ахборот дастурида асосий сонда (кечки дастур, русча эфир – 19.30 ўзбекчаси 21.00) бошловчилик қилиш учун фақат ушбу дирекциянинг ўзида камида 5-6 йиллик иш тажрибасига эга, қалами ўткир журналистлар эфирга қўйилади.

(“Ахборот” информацион дастурлари дирекцияси томонидан тайёрланадиган кундузги янгиликлар бундан мустасно, чунки ҳозирча уларни суҳандонлар ҳам олиб борадилар). “Ахборот” дастурида ишлайдиган бошловчи шунчаки янгиликларни телесуфлердан ўқиб бермайди, балки ўзи ҳам журналист сифатида фаолият олиб бориб, лавҳаларни тасвирга олиш, монтаж ишларида бевосита иштирок этади.

Гарчи бошловчилар одамлар кўчада кўрса танийдиган “телеюлдузлар” бўла олсада, барибир уларнинг телевидениедаги роли ҳар қандай бошқа журналистнинг вазифаси, яъни янгиликларни сифатли тарзда етказиш вазифасидан фарқ қилмайди.

Ахборот кўрсатувлари бошловчилари айнан кўчаларда, реал шароитларда, қандайдир воқеалар содир бўлаётган жойларда бўлишлари жуда муҳим, бунда уларни атрофдагилар кўриши ҳам лозим. Бу уларга ўз имижини, яъни шунчаки студияда ўтириб янгиликларни ўқиб берадиган инсон эмас, балки реал дунёда ишлайдиган одам сифатидаги имижини шакллантириш, қолаверса вақт ва воқеалар билан ҳамнафас бўлиш имконини беради. Демакки, ҳар бир инсон, ҳар бир томошабин “улар ҳам биз каби инсон, улар ҳам ишлайди”, дейиши имконини беради.

Агар ахборот дастури бошловчиси бирор тадбирни ёритиш учун бевосита кўчага чиққанда одамлар буни кўрган бўлса, кечқурун улар бу лавҳани томоша қилиш учун айнан шу бошловчи ишлайдиган каналда янгиликларни кўради.

Дэвид Моулднинг ²² нуқтаи назарига кўра, янгиликларнинг икки формати мавжуд – кадр орти ва бошловчи формати. Кадр орти шакли бу кадрдаги бошловчисиз дастур бўлиб, янгиликлар кетма-кет узлуксиз ёки боғланмалар орқали берилади. Бошловчи формати стандарт, яъни лавҳалар кадрдаги бошловчи орқали боғланган ва у ҳар бир материалга алоҳида кириш сўзи ёзади.

²² Моулд Д. Как улучшить телевыпуски новостей в странах СНГ. М. Рип Холдинг, 1996, с. 7

Бошловчи формати айрим телекомпаниялар (масалан, Евроньюс) томонидан ишлатиладиган кадр орти шаклига нисбатан кўпроқ афзалликларга эга.

Кадр орти формати – бу матни кадр ортидан ўқилган 30-60 сониялик лавҳалар тўпламидан иборат янгиликлар сонидир. Бундай шакл паузаларни тўлдириш ёки кечки прайм- тайм, яъни энг кўримли вақт ва тунги фиём ўртасидаги кўприк сифатида маъқул келади, бироқ тўлақонли жиддий ахборот дастури учун мос эмас. Чунки ушбу шакл видео тасвирсиз келган энг янги хабарлардан фойдаланиш имкониятини бермайди. Албатта, телевидение визуал жиҳатдан қизиқарли бўлиши керак, лекин тасвир мутлак ҳукмрон бўлмаслиги лозим. Аниқроғи кўрсатилган нарса айтилган нарсадан устун бўлмаслиги лозим. Янгилик репортажларининг асосий мақсади – телетомошабинга тезкор маълумот етказиш, аввал нима, қаерда, қачонлигини, сўнг – нима учун ва нима мақсадда деган саволларга жавоб беришдир. Айнан шу боисдан янгилик материалларида кўрсатилган эмас, балки айтилган нарсаларга урғу берилади, чунки тасвир фақат айтилган нарсаларни тасдиқлаши лозим (телевизион бадий дастурларда ёндашув бошқача – бунда тасвир биринчи ўринда туради).

Бошловчи дастурга кўпроқ мазмун киритади, у мантикий урғуларни тўғри қўйиш имкониятига эга, бирор нарсага ишора қила олади. Тинимсиз берилган видеоқатор томошабинни чарчатиб қўйиши мумкин, бошловчининг пайдо бўлиши эса видеоқаторга хилма-хиллик киритиб туради. Бунда нима назарда тутилаётганига аниқлик киритиш лозим. Албатта, кадрдаги бошловчи ҳам тасвир, бироқ у статик, яъни камроқ қимирлайди ва бир жойда туриб дастурни олиб боради. Шу боисдан томошабин, аввал бошловчи нима кийганини, умуман қиёфасини кўриб олиб, сўнг у нималарни гапираётганини тинглайди. Лавҳа бошланганда, томошабиннинг бор эътибори экранга қаратилган бўлади, унда эса тасвир тез-тез ўзгариб туради, шу боис кўпинча журналист матнини томошабин деярли эшитмайди, демак

кўрсатилган ва айтилган нарсалар мувозанатланган бўлишига эришиш муҳим.

Айрим муҳим репортажлар, айниқса сиёсий ёки иқтисодий хабарлар кўпинча ҳеч қандай тасвир талаб қилмайди. Кадр орти форматида телекомпания ёки бундай материалларни эфирга бермаслик, ёки тасвирни матнга мослаштиришига тўғри келади. Натижада экранда кутилмаган манзаралар пайдо бўлиб, мантиқан матнга тўғри келмайди ва лавҳа мазмунига ҳеч нима қўшмайди. Бундай материалларни бошловчи ўқигани маъқул, унинг фонида эса фотосуратлар бериш имкони бор. Бошловчи форматига ўтиш янгиликлар давомийлигини ошириш ва уларни чуқурроқ бериш учун шароит таъминлайди, чунки бундай шаклда лавҳаларнинг кенг камровидан фойдаланиш мумкин.

Мутахассислар янгиликларни кадрдаги бошловчи билан бошлаш ва яқунлашни тавсия этадилар. Дастур бошловчилари – бу ўзига хос мезбонлар бўлиб, улар остонада меҳмонларни кутиб олишлари ва кузатишлари лозим. Демак, ахборот дастурларида бошловчи – бу кўрсатув мезбони, таъбир жоиз бўлса хўжайинидир. Шу боисдан у нима қилиб, нималарни гапираётгани жуда муҳим. Назарий адабиётларда ҳам шу жиҳатга алоҳида урғу берилади. Жумладан, “Янгиликлар бўлими ишини ташкиллаштириш”²³ китобида берилган қуйидаги фикрлар ҳам буни тасдиқлайди:

- 1) Бошловчи ўз сўзини “кутилганидек”, “кечаги мавзуни давом эттириб..” каби гаплардан бошламаслиги керак;
- 2) “Куни кеча” деган иборани ҳам унутиш керак, чунки янгиликлар бугун тайёрланади;
- 3) “яна бир бор” каби иборалардан қочиш керак;
- 4) Фактларни келтиришда ҳатоларга йўл қўйиб бўлмайди;
- 5) Узундан узоқ жумлалардан воз кечиш;

²³ Кэмбелл Р. Организация работы отдела новостей. - М, 1999, с. 12

б) Янгиликларни ёмон ёки яхши деб баҳолаш мумкин эмас, масалан, кучли ёмғир ва жала дам олувчилар учун ёмон хабар бўлса, фермерлар учун яхши янгилик бўлиши мумкин.

Эфир учун мўлжалланган матн газета ахборотидан фарқ қилади. Унда муаллифнинг борлиги сезилиб туриши керак, унда жонли сўз янграши лозим. Бундан ташқари эфир матни ўзининг ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради, у жонли эфир пайтида ўзгартирилиши мумкин. Бошловчининг асосий вазифаси - мана шу матнни жонли ўқиб беришдан иборат. Бунинг учун биргина қоидага амал қилиш лозим – худди гапиргандек ёзиш керак. Бошловчининг ўз фикрини қисқа ва лўнда, тушунарли тарзда баён эта билиши – муваффақият гаровидир. Чунки томошабин ақлли, хабарни унга мижғовланиб тушунтириб, оғзига “чайнаб” солиб қўйишнинг ҳожати йўқ.

Америкада бир ҳазил борки, унга кўра телевизион янгиликлар учинчи босқич талабалари учун мўлжалланган гаплардан иборат, дейишади. Лекин, агар жиддий гапирадиган бўлсак, бошловчи матнини ёзганда оддий тилдан фойдаланиш лозим, одамларга сўз бойлигингиз қанчалик катта эканлигини кўрсатиш учун кўпчилик тушунмайдиган сўзлардан фойдаланиш шарт эмас, чунки бошловчининг асосий мақсади ахборотнинг мазмунини томошабинга етказишдир. Шунини эсда тутиш лозимки, томошабин бошловчи нима демоқчи бўлганини тушуниши учун унда биргина имкон бор. Агар у газетада мураккаб матн ўқиб турган бўлса, унда тушунарсиз абзацни қайтадан ўқиб чиқиши мумкин. Телевидение бундай имкон бермайди. Агар томошабин биринчи галдан бошловчини тушунмаса, унда унди йўқотган ҳисоблайвериш мумкин. “Янгиликлар ким учун тайёрланаётганлигини тушуниш муҳим. Фикрни ҳам қисқароқ ва аниқроқ ифодалаш мумкин. Ахборот айнан гапга ўраб етказилади. Сўзлар ва маълумотлар қанчалик кўп бўлса, гапни шунчалик тушуниш қийин бўлади. Жумлалар узунлиги борасидаги бироз

хилма-хиллик кулоққа ёқишига қарамай, гап қисқартирилса, мазмун бундан фақат ютади”²⁴.

Таниқли халқаро журналистлардан бири И. Фэнг гапни соддалаштириш ва қисқартиришнинг турли туман усулларида фойдаланишни масалаҳат беради. Гарчи у умуман журналистик матн ҳақида сўз юритган бўлсада, биз куйида янгиликлар бошловчисига тааллуқли парчаларни келтирамиз:

- Қўшма гап икки ёки уч содда гапга бўлинади;
- Ҳар бир факт таҳлил қилиниши лозим, у хабарни тушуниш учун шунчалик муҳимми? Уни эслаб қолиш осонми? Агар йўқ бўлса, уни чиқариб ташлаш керак;
- Барча исм ва номлар, рақамлар кўриб чиқилиши даркор. Чунки улардан ҳар бири бу қўшимча маълумотдир.

Яна бир аҳамиятли жиҳат шундаки, бошловчининг фақат **нима** дегани эмас, балки буни **қандай** айтгани ҳам муҳим.

Телеэкран сиёсий, фуқаролик, инсоний позицияларни очиб беради. Улар айнан жонли сўз, ҳар бир инсонга қаратилган ифодали нутқ орқали очилади. Инсоннинг асл овозини узатиш имконига эга бўлган телевидение доимо муаллифга хос модалликга эга бўладиган, бу хусусият айнан бошловчининг туси, унинг оҳангидаги эмоционалликда акс этади.

Телевизон нутқ тилнинг оммавий-коммуникацион тури сифатида қабул қилинадиган, унинг тузилиши тасвир, товуш, нутқ каби уч омилга боғлиқлиги билан тавсифланади.

Томошабин мутлақо ҳамма нарсани яхши илғайди: овоз диапазони, оҳанги, бошловчи у ёки бу жумлани ажратиб кўрсатишни истаб қўйган барча урғулар ҳам шулар жумласидандир. Овоз кулоққа ёқадиган бўлсагина одамлар дастурни томоша қиладилар. Агар бошловчи овози томошабинган ёқмаса, у шунчаки дастурдан воз кечиб, бошқа каналдаги янгиликларни томоша қилишга ўтади.

²⁴ Теленовости: секреты журналистского мастерства. Реферат книги И.Фэнга. - М, 1985, с. 65-66

Илмий-услубий адабиётларда ахборот дастурлари бошловчилари нутқига нисбатан муайян талаблар мавжуд²⁵:

- 1) Дикция, яъни талаффуз аниқ, бенуқсон бўлиши керак;
- 2) Овоз тембри ҳаддан ташқари баланд ёки паст бўлмаслиги лозим;
- 3) Овозда ўзига хос индивидуаллик бўлиши лозим, яъни уни тезда таниб олишлари керак.
- 4) Нутқ мароми ўта тез ёки секин бўлмаслиги лозим, ахборот тез ва аниқ, лекин томошабин журналист унга сўзлаётган нарсаларни ҳазм қилишга улгурадиган тарзда етказилиши лозим.

Шу ўринда бошловчи матнига қайтайлик. Айрим каналлар, масалан “Тошкент” телерадиоканалида “Пойтахт” ахборот дастурининг баъзи бошловчилари учун навбатчи муҳаррирлар матн ёзадилар. Ўзбекистон, Ёшлар телеканалида эса асосий (кечки) янгиликлар сонини йиғиш – бу бошловчининг шахсий вазифаси, у эфирда гапирган гаплари учун навбатчи муҳаррирлар қатори ўзи ҳам жавоб беради.

Бошловчи томонидан ахборот дастурини йиғиш тартибини қуйида кўриб чиқамиз.

Масалан, Ўзбекистон телерадиоканалида эфирга чиқадиган “Ахборот” дастурида бошловчи гапи, яъни сценарий охириги бўлиб ёзилади. Эрталаб соат 9.00 дан навбатчи ижодий ходимлар (тадбир ва воқеаларни тасвирга олишга чиқиб кетганларидан ташқари) ишга келиб, кўрсатув тартибини тайёрлашади, биринчи навбатда умумий папкага вилоятлардан жўнатилган ва пойтахтда сурагга олинган лавҳалар матни, дирекцияга турли ташкилотлардан келиб тушган хатлар жамланади. Сўнг раҳбарият билан бирга қисқа мажлис ўтказилиб, дастур тартибига аниқлик киритилади ва тасдиқланади. Қайси лавҳа биринчи кетади, репортажлар кетма-кетлиги қандай бўлади, асосий янгиликлар қандай берилади – барча жиҳатлар

²⁵ Кембелл Р. Организация работы отдела новостей. - М, 1999, с. 3

муҳокама қилиб олинади. Баъзан қайси лавҳа биринчи кетишини аниқлаб олиш мураккаб бўлади. Лавҳалар тартиби аниқлаштирилгандан сўнг, бошловчи кўрсатув жилдини олиб, тартиб бўйича лавҳа ва хатлар мазмуни билан бирма-бир танишиб чиқади. Айрим журналистлар лавҳа бераётганда бошловчи гапини ҳам ёзиб беради, лекин “Ахборот”да ҳар бир бошловчи буни албатта қайтадан ёзиб, ўз услубига мослаштиради. Баъзан кўрсатув тайёрлаб бўлингандан кейин эфирга яқин фавқулодда хабар келиб тушади, журналистлар эса лавҳани вақтида монтаж қилиб беришга улгурмай қолишлари мумкин. Шунда бошловчи жонли эфирда узр сўраб, кўрсатувнинг кейинги сонида бу ҳақида албатта хабар беришини айтишига тўғри келади. Марказий каналларда бу баъзан учрайдиган ҳолат ва бошловчилар бундай вазиятлар учун махсус жумлаларни ҳам тайёр қилиб қўядилар. Ахборот дастурларини тайёрлашда бошловчи эфирдаги ҳар қандай кутилмаган ҳолатда ўзини йўқотмаслиги муҳим: бошловчининг эфир пайтида ўзини йўқотиб қўйиши, айниқса гапини йўқотиши янгиликлар бошловчиси қоғозда ёзиб берилган нарсалардан бошқасини билмайди, деган хулосага олиб келиши мумкин. Томошабин бу инсонга ишонмай қўйиб, бошқа каналда янгиликлар томоша қилишга ўтиб кетади. Бошловчи ўзига ишонса, бу ҳиссиёт томошабинга ҳам ўтади.

Г. Кузнецовнинг "Етти гном амплуаси" – мақоласида²⁶ янгиликлар бошловчиси №7 - гномдир. У ҳар куни барча учун ўта муҳим бўлган ахборот билан экранларда пайдо бўлади. Бу янгиликларни бошловчи эмас, балки бошқа журналистлар қўлга киритишини ҳамма тушунади. Лекин у мана шу янгиликларни шундай тартибда етказиб берадики, томошабин кўз ўнгида кун манзараси намоён бўлади, бунда бошловчининг барча содир бўлаётган воқеалари бўйича фикри доим сирлигича қолади.

Гарчи кейинги пайтларда марказий каналлар янгиликлари бошловчиларида хабарлар етказишда қандайдир шахсийлик, фикр билдиришда таҳлилийлик пайдо бўлган эсада, улардан ҳар бири барчага маълум “табу”, яъни

²⁶ Кузнецов Г. Амплуа семи гномов // Журналист. – 1993, № 7.

янгиликлар етказишда ҳеч қандай шахсий баҳолашлар бўлмаслиги кераклигини ёдда тутадилар. Чунки субъективизм ва янгиликлар мутлақо номуносиб тушунчалардир.

Америкада бир пайтлар телекомпаниялар ёш бошловчилардан кўпроқ фойдаланишга уриниб кўрдилар, бироқ кейин яна ўрта ёшдаги бошловчиларга қайтишга тўғри келди, чунки аудитория айнан уларни ишончли “лангар” деб қабул қилади. Французлардан бири телебошловчини ўзини эмас, балки кўйлагини кўрсатиш учун сахнага чиқадиған манекенга киёслаганди. Лекин шундай бўлсада, у кўйлаги билан бирга барибир ўзини ҳам кўрсатади. Бошловчи янгиликлар учун ишлайди, интервью олувчи ўз суҳбатдошларини одамлар олдига олиб чиқади, шоумен оммавий тадбирни ташкил этади ва улардан ҳар бири айнан аниқ профессионал вазифасини бажариши билан қизиқ. Ахборот дастурлари бошловчининг профессионал вазифаси – одамларни хабардор этиш. Бошловчи янгиликлар бўйича “гид” бўлиши керак, дейиш мумкин. У томошабинни қизиқтириб кўя олиши, янгиликларни самарали тарзда етказа билиши, бутун дастур давомида томошабин эътиборини ушлаб туриши керак. Бу нафақат унинг шахсий фазилатлари, балки янгиликларни ўринли етказиш маҳоратига ҳам боғлиқ.

Ҳар қандай ижодий чиқишда томошабин, аудитория эътиборини жалб қилиш мақсади бўлади. Уни амалга ошириш учун эса аввало фикр тушунарли тарзда баён этилиши, керакли жойда аниқ исбот билан бирга етказилиши, бунда мисоллар кўргазмали ва асосланган бўлиши лозим. Янгиликлар журналистлари ва дастур бошловчисининг вазифаси эса – композицияни ўйлаб топиш, зарурий тасвирий материални танлаб олиш, аниқ ҳодиса ва воқеъларни телевидениеда мавжуд воситалардан фойдаланган ҳолда кўрсатиб беришдан иборат.

Г. Оганов “Американча ТВ” китобида²⁷ янгиликлар бошловчиси ҳақида шундай дейди: “Рисоладагидек бошловчи бир қатор шартларга мос бўлиши керак: у чиройли, аниқроғи ташки кўриниши ёқимли бўлиши лозим, шу

²⁷ Оганов Г. ТВ по-американски. - М, 1996, стр.83-84

билан бир пайтда унинг ташқи кўриниши анча кенг тарқалган ўртача инсон ҳақидаги тасаввурни ҳам мужассам этиши лозим, чунки агар у ҳаддан ташқари чиройли бўлса, унда унинг камдан-кам учрайдиган чиройи кўпчиликнинг одатий тасаввур ва дидларига тўғри келмай қолиши мумкин. Бу шунингдек экрандаги хатти-ҳаракатларга ҳам тааллуқли: бошловчи ўзини эркин, дадил тутиши лозим, лекин ошириб юбормаслиги, ўзига бўлган ишонч ва ҳурмати кўриниб туриши, лекин кеккайиб кетгандек туюлмаслиги даркор. У ҳаддан ташқари билимдон эмас, лекин эрудит, Гарвард ёки Принстонни битирган интеллектуал эмас, лекин айнан шу пайтда муҳокама қилинаётган мавзунини биледи”. Бугунги кунда эфир олиб бораётган марказий каналларнинг кўпгина бошловчилари айнан шу талабларга жавоб берадилар. Масалан, Ўзбекистон телеканалидаги “Ахборот” дастурининг кечки асосий сони бошловчилари Навбаҳор Каримова (Мамажоновна) ва Фарход Маҳмудовни олайлик. Улар ўзига хос, шахсий услубда ахборотни етказиб берадиларки, бу тележурналистнинг аудитория билан яқиндан алоқа ўрнатишига, демакки, янгиликларнинг янада самарали қабул қилинишига хизмат қилади. Уларнинг хабарлари шундай бир тартибда бериладики, бутун дастур ўтган кун ҳақидаги кичик фильмга ўхшаб чиқади. Лавҳаларни ўринли жойлаштирилиши ва бошловчининг таъсирчан шарҳлари “Ахборот”ни энг кўримли дастурлардан бирига айлантирди. Одамлар жиддий, оғир-босиқ Фарход Маҳмудовга ишонадилар. У аудиторияда ишонч ва хотиржамлик ҳиссини уйғотади. Унинг услубига хос жиҳат шундаки, бошловчи дастурни қизиқ, бошқаларга ўхшамас бир ибора билан якунлайди. Баъзан томошабин мана шу жумлани эшитиш учун уни охиригача кутиб, бошловчи оғзини пойлайди. Баъзан, дастурни якунлар экан, у бирор бир кичик фактга эътибор қаратиб, бу ҳақида фикр билдиради ва ҳаётий бир ҳикматни очиб бергандек бўладики, бу томошабин хотирасида анчагача қолади.

Навбаҳор Каримова (Мамажоновна) – жозибали бошловчи сифатида эл назарига тушган инсон. У эфирда ишлаганда доимо янгиликларда бошқа инсонлар – журналистларнинг иштирокини таъкидлаб ўтади. Масалан, у

кўпинча ишлатадиган “Эфирда Ахборот дастурининг кечки сони. Даставвал ижодий гуруҳимиз томонидан тайёрланган хабар ва лавҳаларнинг қисқа мазмуни билан танишиб олинг”, деган жумласида унинг жамоага бўлган муносабати сезилиб туради. Саломлашганда ҳам, хайрлашганда ҳам у ижодий гуруҳ номидан муомала қилади. У доимо кейинги лавҳа кимники эканлигини, уни тайёрлаган журналистнинг исми-шарифини айтади. Бу эса лавҳа муаллифига ҳам, аудиторияга ҳам ёқади. Томошабинлар уларга энг янги, энг аниқ ва батафсил янгиликларни етказишга ҳаракат қилаётган бутун жамоанинг иш самарасини сезадилар. Дастур якунида бутун кўрсатув давомида жиддий бўлган Навбаҳор бирдан очик ва самимий жилмайиш билан хайрлашади ва кейинги кун омадли бўлишини тилайди, бу эса томошабинда илиқ таассурот қолдиради. Бу эртага улар албатта “Ахборот” дастурини кўриш учун телевизорни ёқишларининг кафолатидир.

Шу тариқа, дастурни олиб бориш масаласи медиа бозорда янгилик дастурларининг кўпайгани муносабати билан долзарб аҳамият касб этади. Қандай янгиликдан бошлаш керак? Дастурни қандай якунлаш лозим? Томошабин бошқа, рақобатчи информацион майдонга ўтиб кетмаслиги учун унинг эътиборини қандай жалб қилиб, ушлаб туриш керак? Томошабин учун кураш қанчалик қаттиқ бўлса, янгилик дастурлари шунчалик сифатлироқ бўлиб бораверади. Табиийки, бу вазиятда бошловчи, яъни томошабин эътиборини ушлаб турадиган “лангар” шахси алоҳида аҳамият касб этади. У томошабинни ўзи пайдо бўлишини кутиш ёки кутмасликка мажбур қилади. Бошловчининг нафақат эфирда, балки дастурни тартиблаш борасида ҳам яхши ишлай олиши – янгиликлар ва умуман бутун канал муваффақиятининг гаровидир.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда жамият ва давлат томонидан оммавий ахборот воситаларини тубдан ислоҳ қилиш заруратини теран англаш қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда қабул қилинган ва соҳа ривожини таъминлашга қаратилган қатор ҳужжатлар бунинг ёрқин тасдиғи бўлмоқда. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг биринчи босқичида ОАВнинг аксарияти фуқаролар онгига мамлакатдаги ислохотлар жараёнининг моҳияти, юртимиз келажаги учун муҳим аҳамият касб этган устивор йўналишларда бошланган ишлар самарасини етказишдек муҳим вазифани уддалай олдилар. Республикамиз оммавий ахборот воситалари, хусусан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телерадиоканаллари мамлакатимиздаги тинчлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшяптилар, Конституция ва қонунлар моҳияти, ислохотларнинг боришини кенг тарғиб қиляптилар. Бироқ, шунинг баробарида демократлашув жараёнларининг чуқурлаштирилиши ОАВ, хусусан, телевидение ходимларидан янада юксак профессионал маҳорат талаб қилади.

Оммавий аудиторияга юзланганлик, бутун жамият ҳаётини ёритишга қодирлик, ахборот узатиш тезкорлиги – буларнинг барчаси журналистика, хусусан, телевидение, айниқса ахборот дастурларининг жамиятдаги катта ролини асослайди. Шу боисдан ҳам соҳа ходимларининг касб маҳоратини доимий равишда ошириб бориш жамиятимиз ривожига муҳим аҳамият касб этган долзарб масалага айланган. Шу нуқтаи назардан, тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларга қилиш имконини беради:

- Бугунги кунда “телебошловчи” тушунчасига муносабат аввалги даврларга нисбатан мутлақо ўзгарди. Агар авваллари, яъни 20-30 йил чамаси аввал телевидениеда асосан муҳаррирлар томонидан ёзиб берилган тайёр матнни ўқиб берган суҳандонлар фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирда кўрсатувларга қалами ўткир, телеэфир сир – синоатларидан яхши хабардор амалиётчи журналистлар бошловчилик

қияптилар. Яъни, бугунги кунда телевидениеда суҳандонлар ўрнини ҳақиқий муаллиф-бошловчилар эгалладилар;

- Замонавий телебошловчиларни шартли равишда қуйидаги тоифаларга бўлиш мумкин:
- Репортер-бошловчи
- Шоумен-бошловчи
- Модератор-бошловчи
- Таҳлилчи-бошловчи
- Публицист- бошловчи
- Интервьюер (интервью олувчи)

Мазкур ихтисосликлардан ҳар бири маълум бир сифатлар уйғунлигини талаб қилади. Шу боис, бошловчи ўзининг индивидуал хусусиятларига қараб ихтисослашув танлаши лозим. Ахборот кўрсатувларидаги бошловчилик эса аввало репортерлик ва таҳлилчилик қобилиятлари кучли бўлишини талаб этади;

- Муайян информацион кўрсатув орқали эфирга узатилаётган ахборот томошабин томонидан персонификацияланган тарзда, яъни айнан бошловчи шахси орқали қабул қилинади. Шу боисдан бошловчининг образи, унинг хатти-ҳаракатлари, имижи кўрсатув муваффақиятини белгиловчи асосий омил саналади;
- Харизмага асосланган замонавий бошловчи имижининг таркибий қисмлари қаторига шахсий жозиба, ижодкорлик қобилияти, ўзига хос услуб каби муҳим омиллардан иборатки, имидж устида ишлаганда уларнинг ҳар бирига хос жиҳатларга алоҳида урғу берилиши лозим;
- Ҳар қандай ижодий чиқишда томошабин, аудитория эътиборини жалб қилиш мақсади бўлади. Уни амалга ошириш учун эса аввало фикр тушунарли тарзда баён этилиши, керакли жойда аниқ исбот билан бирга етказилиши, бунда мисоллар кўргазмали ва асосланган бўлиши лозим. Янгиликлар журналистлари ва дастур бошловчисининг вазифаси эса – композицияни ўйлаб топиш, зарурий тасвирий материални танлаб олиш,

аниқ ҳодиса ва воқеаларни телевидениеда мавжуд воситалардан фойдаланган ҳолда ишончли тарзда кўрсатиб беришдан иборат;

- Ахборот кўрсатуви бошловчисининг профессионал даражасини оширишда унинг бир қатор қобилиятлари, жумладан эътибор, хотира, фикрлаш, тасаввур қила билиш кабиларни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада махсус ишлаб чиқилган услуб ва техникалардан фойдаланиш яхши самара беради.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- Юртимизнинг етакчи телерадиокomпаниялари қошида мунтазам фаолият олиб борувчи бошловчилар мактабини ташкил қилиш; ундаги машғулотларга Галина Мельникова, Раъно Жўраева, Саида Давлетова, Фарҳод Маҳмудов каби тажрибали суҳандон ва бошловчиларни жалб қилиш;
- Ўзбекистон МТРК қошидаги мониторинг хизмати таркибида бошловчилар, айниқса ахборот кўрсатувлари бошловчиларинг рейтингини аниқловчи бўлим ташкил этиш;
- Маҳоратли бошловчилар ижодини янада рағбатлантириш мақсадида, рейтинг юқори бўлган бошловчилар учун мунтазам тақдим этиладиган мукофот таъсис этиш;
- Бошловчилик қилиш истагида бўлган ёш, қалами ўткир, ўзига хос имиджга эга журналистлар ўртасида суҳандонлар танловини ўтказишни йўлга қўйиш;
- Бошловчиларнинг касб маҳоратини мунтазам равишда ошириб бориш мақсадида, улар учун таниқли психологлар, халқаро миқёсда фаолият юритаётган ватанимиз ва чет эл журналистлари иштирокида мунтазам ўтказилувчи махсус интерактив тренингларни йўлга қўйиш;
- Ўзбекистон МТРК ахборот дастурлари бошловчиларининг малакасини ошириш мақсадида, уларнинг телевидение соҳаси яхши ривожланган Россия, Германия, АҚШ, Туркия каби хорижий

мамлакатларга хизмат сафарларини ташкил қилиш, бу жараёнга тижорий кўрсатувлар ҳомийларини (уларга реклама борасида маълум имтиёзлар таклиф қилган ҳолда) жалб этиш;

- Бошловчи имижи кўрсатув муваффақиятини бегиловчи асосий омил эканлигини ҳисобга олган ҳолда, МТРКда фаолият юритишга профессионал имижмейкерлар, услубчилар, визажистлар ва имидж ҳамда оммавий коммуникация соҳасига ихтисослашган психологларни таклиф этиш;
- Ўзбекистон МТРКда ахборот дастурлари бошловчиларнинг профессионаллик даражасини янада ошириш мақсадида, барча бошловчилар иштирокида мунтазам таҳлилий мажлислар ўтказиб, унда бошловчиларнинг эфирга узатилган кўрсатувларидаги муваффақиятли ва нуқсонли жиҳатларини муҳокама қилиш.

Президентимиз Ислом Каримов ўзларининг “Юксак маънавия – енгилмас куч” номли асарларида қайд этганларидек, улкан таъсир кучига эга бўлган телевидение соҳасини изчил ривожлантириш давлат ва жамиятнинг доимий диққат марказида бўлган асосий масалага айланган. Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг асосий теле ва радиоканаллари, аҳолининг ҳолис ва аниқ ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш, ҳамюртларинимизнинг маданий савияси, билим ва дунёқарашини юксалтириш, қадимий анъаналаримизни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шунингдек улар одамлар онгида демократик қадриятлар ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳам хизмат қиляптилар. Шунинг баробарида айтиш керакки, мазкур соҳани янада такомиллаштириш борасида олдимизда ҳали кўплаб вазифалар турибди. Аввало, телевидениени давлат ва жамиятни боғлаб турувчи мустаҳкам кўприк, жонли мулоқот воситасига айлантириш ва бунда бошловчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш, эфирда кўпроқ куннинг долзарб мавзуларини ёритиш, ҳамюртларимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириш шулар жумласидандир.

Бугунги кунда ОАВ, хусусан, телевидение шу қадар катта кучга айланяптики, келажаги ҳақида ўйлаган ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллат буни сезади, идрок этади. Айнан шу боис телевидение фаолиятини давр талабига мос равишда такомиллаштириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Даврнинг ўзи ҳар бир ОАВ ходими профессионал маҳоратини мунтазам равишда ошириб бориш баробарида яна ўз фикри ва ҳаётий тамойилларига эга бўлишини тақазо этмоқда.

Адабиётлар

I Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И. А. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”. Т.: “Ўзбекистон”, 1996
2. Каримов И. А. “Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз”. “Ўзбекистон”, 2001
3. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” “Маънавият” 2008
4. Каримов И. А. “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998
5. Тўртинчи ҳокимият // қонунлар, қарорлар, тартиблар. Т.: “Ўзбекистон”, 1998
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2003
7. Каримов И.А. “Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби”. Тошкент “Ўзбекистон” 1998

II Асосий адабиётлар

1. Андреева М.К., Матвеева Л.В., Шкопоров Н.Б. Психологический анализ профессионально важных качеств творческих работников телевидения. М.: ВИПК работников ТВ и РВ, 1991.
2. Борецкий Р, Кузнецов Г. “Журналист ТВ в кадре и за кадром” М., 1990
3. Биркенбир В. Язык интонации, мимики, жестов. СПб., 1997
4. Ирназаров Қ.Т., Маматова Е.М “ Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти” Т.: “Юнеско”, 2002
5. Луғат-маълумотнома: журналистика, Реклама, Паблик Рилейшнз. Тошкент.: “Университет”, 2003
6. Матвеева Л.В., Шкопоров Н.Б. Связь с аудиторией в телекоммуникации // Прикладные исследования. М.: Гостелерадио, 1991. Ч. 1–2.
7. Олешко В.Ф. Журналистика как творчество. Уч. Пособие. М., Рип Холдинг 2003

8. Олужко В.Ф. Журналистика как творчество. Уч. Пособие. М., Рип Холдинг, 2003
9. Свитич Л.Г. Профессия: журналист. М., Аспект Пресс 2003
10. Фихтелиус Эрик, “Журналистиканинг 10 қондаси”. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2002
11. Худойқулов Н. “Журналистикага кириш” Т.: “Университет” 2000
12. Цвик В.Л. Телевизионная служба новостей. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. С.167

III. Қўшимча адабиётлар

1. Место и функции массовой коммуникации в процессе педагогического воздействия. М.: 1975.; Телевидение и школа. М., 1989.
2. Венгер В., Пой Р. Неужели я гений СПб., 1997
2. Журналисты XX века: люди и судьбы М., 2003
3. Краткий психологический словарь /под.ред:А.В. Петровского, М.Г. Ярошевского М., 2001
4. В. Пекелис. Твои способности, человек М., 1989
5. Боно Э. Шесть шляп мышления СПб., 1997